

Шерхон ҚОРАЕВ

МУҲАММАД ЮСУФ ва
ҒАЙБУЛЛО АС-САЛОМ



ШЕРХОН ҚОРАЕВ

**МУҲАММАД ЮСУФ ва
ФАЙБУЛЛО АС-САЛОМ**

(ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ,
УСТОЗИМ МУҲАММАД ЮСУФНИНГ
ЁРҚИН ХОТИРАСИГА БАФИШЛАНАДИ)

Қарши
“Qashqadaryo ko‘zgusi OAV”
2019

УЎК. 821.512.133(092)
КБК.84(5Ў)7
Қ59

Қораев, Шерхон.
Муҳаммад Юсуф ва Ғайбулло Ас-Салом [Матн] / Ш. Қораев. -
Қарши : Қашқадарё кўзгуси ОАВ нашриёти, 2019. - 96 б.
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-5442-0-8

Ушбу рисолада халқимизнинг сеvimли шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақида сўз боради.

Шунингдек, рисолада шоирнинг қайнотаси, ўзбек таржимашунослик фани асосчиси Ғайбулло Ас-Саломнинг куёви билан самимий ва илиқ муносабатлари, ота-боладек яқинлик қаламга олинади.

Уйлаймизки, хотиралар, очерклар, суҳбатлар мажмуасидан иборат ушбу рисола китобхонларга манзур бўлади.

Тақризчилар: Муҳаммад Юсуф номидаги жамоат фонди раиси Назира САЛОМОВА,

Республика маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилоят Нишон туман бўлинмаси раиси Хўжамқул Давронов

ISBN 978-9943-5442-0-8

© Шерхон Қораев, 2019й.
© "Қашқадарё кўзгуси ОАВ" нашриёти, 2019 йил

"ЎЗБЕКНИ ЕР ТАНИР, ОСМОН ТАНИЙДИ..."

(Сўзбоши ўрнида)

Ўтган асрнинг 70 - йилларида ўзбек шеърляти ўзининг янги погонасига кўтарилган, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Азим Суюн, Ҳалима Худойбердиева каби истеъдодли ижодкорлар адабиёт майдонида жавлон ураётган, ўз истеъдодларини намоен этишаётган эди. Бундай жиддий "давра"га дадил кириб бориш, ўз овозига эга бўлиш осон иш эмасди. Аммо Муҳаммад Юсуф ўзининг бир қарашда оддий, халқона сатрлари билан бу "давра" дан муносиб ўрин эгаллаш олди.

1991 йили Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида "Сенга интилдим" номли шеърлий тўпламим чоп этилди. Уша китобимга Муҳаммад Юсуф муҳаррирлик қилган, уни аввал шоир сифатида ардоқлаган, қадрлаган бўлсам, кейин нозиктаб муҳаррир ва ажойиб инсон сифатида яқиндан билганман.

Ундаги ажойиб фазилатлар, хислатлар шеърларига кўчган. Мактаб даврида хотира дафтари тутмаган синфдошларни топиш қийин. Ана шу дафтарларда эса Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб бўлмаган шеърни учратиш мушкул.

Қўшиқчиликка алоқадор одам борки, барчаси Муҳаммад Юсуф ижодига доимий мурожаат қилиб келади. Узи буни жуда ёмон кўрса ҳам уни "қўшиқчи - шоир" сифатида таърифлашарди. Ҳозирги кунда "қўшиқчи - шоир" деганда фақат "бозор" учун ёзадиган, тўйларни "гуллатадиган" шоирлар тушунилади. Аммо ўз вақтида қўшиқнинг сифатини кўтарган шоир - Муҳаммад Юсуф эди.

Бугунги кунга келиб, "қўшиқчи - шоир" номи унга ёпишмай қолди. У ШОИР эди, ШОИРлигича қолди...

Унинг дўстларидан бири, шоир Хуршид Даврон Муҳаммад Юсуф ҳақида шундай дейди: "Муҳаммадjon бу дунёдан кетгандан кейин янги Муҳаммад Юсуф яратишга уринишлар бўлди. Ундай катта жушқин юрак, катта қалб, покизалик бўлмагандан кейин унинг ўрнини эгаллаш жуда қийин бўлади. Унинг қолипда шеър ёзиш осон. У ясаб кетган қолипда нечта одам халқ шоири бўлди. Муҳаммадjonнинг шеърлари халқчил, тили ҳам содда ва ёқимли. Шунинг учун унинг шеърлари ўзбек шеърлятида ўзининг ўрнини бировга бериб қўймайди".

Муҳаммад Юсуф шеърларида яқин тарихнинг энг огриқли, дардли кунлари нафаси уфуриб туради:

Ўтган кунинг - ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун.
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.
Қўлин боглаб,
Дилин доглаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам, деб айтолмаган
Дудугимсан, Ватаним.

Ёки ўзи адабиёт оламида донг таратиб улгурган, аммо она-изоридан хабар олишга ярамаган "ноқобил" фарзанднинг та-валлосини эшитинг;

Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда,
Тошканни кўрмаган бечора онам,
Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,
Энди мен ҳам сенга ўғил бўлдимми!..

Унинг шеърларидаги диққатни тортадиган яна бир жиҳат - ўзбекка хос ор- номус, гурур бўй кўрсатиб туради. Хусусан, унинг "Ўзбек" шеърида буни яққол кўриш мумкин;

Сен пахта терардинг етти букилиб,
Пайқалингда эдинг, эй онажоним.
Ўзбекмисиз, дея галати кулиб,
Мендан сўраб қолди бир танноз хоним..

Саҳардан шомгача мўлтираб, кўзинг.
Кўрмай қолгунича чодинг далангни,
Ўғирлик қилмасанг, айт ахир ўзинг,
Қандай боқаяпсан шунча болангни...

Бир бошлай дедиму тилимни тийдим,
Майли, одам қуриб шунга сўз дейми.
Ўзбекни ер танир, Осмон танийди.
Таннозлар қаёқдан билсин ўзбекни!

Ҳа, Муҳаммад Юсуф ўзбекнинг ана шундай куюнчак ва ўқтам шоири эди...

Исмоил ТҲХТАМИШЕВ, шоир

МУҚАДДИМА

Унда мен бола эдим. Аммо шоир Муҳаммад Юсуф билан танишиш орзусида яшардим. Газета, журнал ҳамда радио ва телевидениедаги шоирнинг ҳар бир чиқишини катта қизиқиш билан ўқиб, эшитиб кўриб борардим. Омадни қаранги, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) да ўқиган давримда Муҳаммад Юсуф билан кўришиш, учрашиш, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман. Ўқишдан ажралмаган ҳолда газетада ишлаганим учунми, бу машҳур инсондан тез - тез интервью олишга тўғри келарди - да! Ё ишхонаси ё уйига қўнғироқ қилардим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига борганимда эса худди туғишган ака - укалардек суҳбатлашиб қолардик. Шоир билан суҳбат чиққан газетанинг ушбу сони эса матбуот дўконларида "яшин тезлигида" сотилиб кетарди. Чунки халқ бу одамларни чуқур тушунадиган, биладиган, англаб етадиган оддий, камтар ва камёб инсонга ва унинг ҳар бир сўзига муштоқ эди.

Шоир "Хурсаной опа" шеърида "Кимда гам кўп бўлса - у менинг онам!" дейди шартта танимаган, билмаган, кўрмаган инсонига қарата. Аммо у бу халқнинг ҳар бир вакилини ўзига яқин олади! Онам дейди, акам, укам, опам, синглим дейди у. Ҳамма ўзимники, бегонаси йўқ. Аслида ҳам шундай. Муҳаммад (с.а. в.) мусулмон - мусулмонга биродар, яъни қариндош деганлар. Шунинг учун бу диёрда ҳамма опа- сингил, ака - укадир.

Муҳаммад Юсуф ўзбекка шундай чиройли таъриф берадики, уни ҳар қандай одам тушуниб етади: Албатта унинг қиёси йўқ, аммо меҳри бир дарё, кимга ўхшайди деб савол бериб юрманг, чунки бу дунёда унинг ўхшаши йўқ. Ухшаса ўзига ўхшайди ўзбек. Унинг бу дунёда яшашдан мақсади битта: дунёда болам деб яшайди ўзбек. Ўзбек ҳаммага яхшилик, тинчлик ва омонлик тилайди, оламни яшнашини истайди, би-

рам болажону меҳмондўстки, яқинлари уйида жам бўлса,
тўшак етмаса тўнини тўшайди ўзбек. У шундай миллатки, -
дейди шоир, - Ватан, Ватан деб кўкракка урмайди, чунки кин-
дик қони тўкилган тупроққа кўнгил қўйиш унга шон- шараф.
Бундан чиқди, бу миллатнинг Ватанга бўлган муҳаббати туғ-
мадир. Ҳақиқатан, у керак бўлса бесўз бахш этади жон. Кат-
та кетмасдан Ватанни фидойиларча севади, жону - жаҳоним
деб билади. Дарҳақиқат, ўзбек миллатига Муҳаммад Юсуф-
дан ўтказиб таъриф у тавсиф бериш қийин.

Шоир миллатимизнинг жасур, мард ва эрка шоири эди.
Унинг мардлиги шундаки, Ватанини бўйнига тумор қилиб олди,
"бўлар элнинг болалари бир - бирин дер, дея элни халқ бўлиш-
га чорлади", бутун умрини халқига, Ватанига бағишлади. Унинг
эркалик билан айтган шеърлари эса одамларга суянч, таянч,
умид ва руҳий кўтаринкилик бағишлади.

*Билдимки, баридан улутим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг,
Араб оҳусидан азизроқ менга...
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.*

Ваҳоланки, шоир ҳам умри давомида Ўзбекистонни ҳур-
мат қилганларни бошига кўтариб яшади. Аммо унинг тузини
еб, тузлигига тупурганлардан нафратланди, сотқинларни ке-
чирмади, бундай нобакор - кўрнамаклардан жирканди. Шоир
Муҳаммад Юсуф инсон умрининг мазмуни, бахт - саодати,
муваффақият манбаи - Ватанга хизмат қилишда, фидойилик-
да, унга садоқатда деб билди.

*Тўзғийди тўнингдан
Тортган тўралар.
Кеча тузингни еб,
Сотган тўралар.*

*Энди пушаймонда,
Туйник мўралар -
Мен сенинг
Ёнингдан
Жилмай севаман.*

"- Муҳаммад ака, - деб савол бердим,- уйдаги суҳбатларимиздан бирида, - қайси хонада ижод қиласиз. - Эй, укам қизлар катта бўлавергач, ижод учун жой танламай қоларкансан, чунки уларнинг ҳар бирига бир хона керак. Менга фарқи йўқ, шеъримни ошхонада бўлса ҳам ёзавераман,- деди у мийиғида кулиб".

Унинг ҳар бир суҳбатида давлатимиз раҳбариятидан мамнунияти сезилиб турарди. Ҳа, бу юртда инсон азиз. Муҳаммад ака ҳаётлигида ҳам эъзозу эҳтиромга сазовор бўлди. Бугун ҳам унинг хотирасига чексиз ҳурмат кўрсатилмоқда.

Мамлакатимизда Муҳаммад Юсуф номидаги жамгарма фаолият юритмоқда. Шоирнинг асарлари қайта - қайта нашр қилинмоқда. Унинг вафотидан сўнг 2004 йилда 50 йиллиги нишонланди. Биринчи президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида" ги Қарори миллий адабиётта юксак эҳтиром намунаси бўлди. Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов ўз чиқишларидан бирида "Муҳаммадjon ноёб истеъдод эгаси, одамларга меҳрибон, софдил, мард ва камтарин инсон эди" деб қайд этганди.

Саъдий Шерозий айтганидек, "Шундай яшагилки, одамлар сенинг ўлганингга ишонмасин". Албатта, Муҳаммад Юсуф ҳам худди Шайх Саъдий таъкидлаганидек яшаб ўтди. Ундан яхши ном, беназир маънавий мерос ва ибратли ривоятлар қолди.

2014 йилда Ватан ва истиқлол куйчиси Муҳаммад Юсуфнинг 60 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланди. Таълим даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда шоир ҳаёти ва ижодий фао-

Глиятига багишланган адабий учрашувлар, анжуманлар, маънавий - маърифий тадбирлар, адабиёт кунлари, кечалар ўтказилди. 25 апрель куни эса Тошкентда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига багишланган катта ижодий кеча, маърифий анжуман бўлиб ўтди. 24 - апрель куни Қашқадарё вилояти, Нишон тумани Талимаржон шаҳрида ҳам ҳокимимиз Шуҳрат Норқобилов(Ҳозирда Нишон тумани ҳокимининг ўринбосари) ташаббуси билан шоир Муҳаммад Юсуфнинг ижодига багишланган назм ва наво кечаси тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислоҳ Каримов қарори билан шоирнинг олтинчи йиллигини нишонлаш баробарида унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратилди. "Шарқ" нашриёт - матбаа акциядорлик компаниясида шоирнинг "Сайланма" асарлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Адиб" нашриётида "Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида" тўплами чоп этилди. Шоир таҳсил олган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида унинг ибратли фаолиятига багишланган музей хонаси ташкил этилди. Шоирнинг шеърлари турли хорижий тилларга таржима қилиниб, чоп этилмоқда. Шунингдек Ўзбекистон халқ шоири, "Дўстлик" ордени соҳиби Муҳаммад Юсуф яшаган пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Пушкин - Солор кўчасидаги 1 - уйда шоир хотирасига багишлаб ёдгорлик лавҳа ўрнатилди.

2017 йилнинг 18 апрелида Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида"ги Қарорга имзо чеқди. Ушбу қарорда шундай дейилади: Миллий боғни халқимиз, авваломбор, ёшларимизнинг маданий- маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан

меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама
гузал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимиз-
да ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тари-
хий хотирасини абадийлаштириш мақсадида;

...5. Ўзбекистон Вадий академияси тегишли ташкилот ва
идоралар билан биргаликда миллий адабиётимизнинг улкан
намоёндалари;

...Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига
бағишланган ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш бўйича бир
ой муддатда ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган
тартибда ўтказсин". Ушбу Қарорда Алишер Навоий ҳайкали
билан уйғун равишда Миллий богда Адиблар хиёбони яхлит
меъморий ансамблини барпо этиш кўзда тутилди ҳамда қисқа
муддатда Ўзбекистон қаҳрамонлари Озод Шарафидиннов,
Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларнинг ҳайкаллари билан
биргаликда шоир Муҳаммад Юсуфнинг ёдгорлик мажмуаси
ҳам қад ростлади. Ушбу хиёбонда мавжуд 2007 йили Ўзбекис-
тон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ
ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекис-
тон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зун-
нунова хотираларига бағишланган ёдгорлик мажмуалари қато-
рига кўчириб олиб келинган Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом
ва Зулфия ҳайкаллари кўшилди. Дарҳақиқат, Муҳтарам Пре-
зидентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тарихий қарори бил-
ан адиблар хиёбонининг барпо этилиши - миллий адабиёти-
мизга юксак ҳурматнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Бутунги
кунда Адиблар хиёбони ижодкорлар, умуман, ёш авлод зиё-
рат қиладиган кўркем гўшалардан бирига айланган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 1
ноябрдаги Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан
ўчрашувда ҳам Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфни
чуқур ҳурмат билан ёдга олди: "Андижоннинг яна бир фи-

Дойи фарзанди - Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф вафотидан сўнг унинг оиласи, фарзандларидан хабардор бўлиш, шоирнинг юбилейлари, хотира тадбирларини ўтказиш бўйича шахсан менга (Биринчи президентимиз Ислоҳ Қаримов томонидан) берган топшириқларини яхши эслайман".

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳозирги кунда ўтганлар охиратини обод қилиш, миллий адабиётимиз фидойилари руҳини шод ва хотирасини обод қилиш йўлида шахсан бош-қош бўлаётгани, 2016 йилнинг 27-декабрида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги давлат миқёсида нишонлангани, Фарғонада Эркин Воҳидов, Нукусда Иброҳим Юсупов, Қарши шаҳрида Абдулла Орипов ва Андижонда Муҳаммад Юсуф номидаги ўзбек тили ва адабиётига ихтисослашган мактаб - интернатларнинг ташкил этилгани диққатга сазовордир. Бу эса ўз навбатда гамхўр Юртбоши раҳнамолигида улуг ижодкорларнинг муносиб издошлари, ёш Эркин Воҳидовлар, ёш Абдулла Ориповлар, ёш Муҳаммад Юсуфларнинг шакллантиришга киришилганидан дарак беради.

Муҳтасар қилиб айтганда, Муҳаммад Юсуф ижоди тугамайдиган сарчашмани эслатади. Бу маънавий сарчашмадан баҳраманд бўлган инсон, "Ватанни бўйнига тумор" қилиб юксак манзилларга интилади, "Айланайин қора қошу кўзингдан - а, ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан - а", - деб яшайди.

Ана шундай қалбларга меҳр - муҳаббатни экиб, ундириб олувчи шеърлари билан шоир мангуликка дахлдордир. Ҳа, у халқимизнинг юрагида, ёдида абадий ва барҳаёт яшайверади.

"СОДДА ВА ХАЛҚОНА ТИЛ БИЛАН"

2013 йилнинг 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганди. Ушбу қарор таниқли шоирнинг миллий ада-

биётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасидаги хизматлари, ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолиятини инобатга олиб, 60 йиллиги муносабати билан қабул қилинганини эътироф этиш лозим.

Ушбу муҳим ҳужжатни ўқир эканман, Муҳаммад Юсуф билан боғлиқ хотираларим хаёлимга қўйилиб кела бошлади. Талабаликни бежизга олтин давр дейишмайди, ЎзМУда ўқиган кезларим олий ўқув юртида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Файбулла ас - Салом, Усмон Азим, Азиз Қаюмов, Рауф Парфи, Азим Суюн, Нажмиддин Комилов, Иқбол Мирзо, Усмон Қўчқор, Содирхон Эркинов каби таниқли шоиру ёзувчилар, олиму мунаққидлар билан тез-тез учрашувлар бўлиб турарди. Ана шундай суҳбатлар талабалардаги мустақил дунёқарашнинг шаклланишига ва тафаккурнинг ўсишига туртки бўларди.

Тошкентда дунё билган Чингиз Айтматов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов ҳамда халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфилар билан учрашганим ҳамда суҳбатлашганим кечагидек ёдимда. "Марказий Осиё маданияти" халқаро газетасида бош муҳаррир, устозимиз Анвар Жўрабоев хонадонида ёки мамлакатимиз ёзувчи - шоирларининг Наврўз байрами учрашувларида эл билган машҳур ижодкорлар билан мулоқотда бўлиш бахтига муяссар бўлганим мамнуният бағишлайди.

Адабиётшунос олимлар Лазиз Қаюмов, Бегали Қосимов, Омунулла Мадаев, Улугбек Долимов, Афтондил Эркиновлар томонидан ўтилган миллий адабиёт дарслари орқали онгу тафаккуримизга миллий адабиётимизга бўлган чексиз муҳаббат сингдириб борилганини ҳам айтмасам бўлмас.

Бош муҳаррир Абдуқодир Ниёзов ташаббуси билан ташкил этилган "Туркистон" газетаси қошидаги шеърят мактаби машғулотларидан бирида оддий ва камсуқум Муҳаммад Юсуф билан танишдим. Ўзбекистон халқ шоири шеърят гулшанига қадам қўяётган ёшларга ўз зарур маслаҳатлари ва керакли кўрсатмаларини берди. "Кўп ёзиш керак, зўр ёзиш керак" дерди у ёшларни ўз устида мунтазам ишлашга чорлаб. Албатта, кўп китоб ўқиш, изланиш ва тинимсиз машқлар қаламкашни том маънода шоир қилиб шакллантиради.

У шеърят мактабида янги ёзган шеърларини чиройли қилиб ўқиб берарди. Шоир шеърлари содда ва халқоналиги билан катта-ю кичикка бирдек тушунарли эди. Аммо унинг назми оддий туюлсада, ҳар бирида салмоқли фикр ва чуқур фалсафа мужассамлиги диққатга сазовордир.

**Баланд шоҳда қизил олма
Пишган экан.
Узиб олиб қарасам қурт
Тушган экан
Мен олмани иргитворсам
У дод солди:
Ташлаб кетар экан мени
Нега олди?!**

Хўш, азиз ўқувчи нимани тушундингиз? Шоир бу билан нима демоқчи? У ҳар бир қадамни етти ўлчаб бир босишни, яъни ҳаётий ҳақиқатни баланд, қўл етмас жойдаги қурт еган олма мисолида талқин қиляпти. Оддий, аммо залворли мисол. Биз табиатан осилсак баланд дорга осиламиз, баланд шоҳдаги олма ёки бой - бадавлат хонадондаги қиз кўзимизга чиройли кўринади, ўйланишга чоғланамиз. Аммо ҳақиқий гўзаллик - кўнгили софлигида, ахлоқ - одобда, шарму ҳаёда эканлиги ҳаёлимиздан кўтарилади- да!

Филология фанлари доктори Йўлдош Солижонов "Элнинг

"Эрка шоири" мақоласида машҳур шоир ҳақида шундай ёзади:
"Бу машҳурликнинг ўзига хос сабаблари бор. Уларнинг биринчиси ва энг муҳими, шоир шеърларининг соддалиги ва самимийлигидир. Соддалик деганда жўнлик ва одмиликни туншунмаслик керак. Зеро, шеърятда фикрни ўқувчига содда қилиб айта олиш поэтиканинг долзарб ва ҳеч эскирмайдиган масалаларидан биридир. Шоир шеърларидаги соддалик биринчи галда танланган сўзларнинг халқона руҳда, мисраларнинг тигизлигида, мазмуннинг тугалланганлигида, ўзбекча ибораларнинг янгилигида ва оҳори тўкилмаганлигида, оҳанг ранг - баранглиги ва рангларнинг тиниқлигида, фикрнинг барқарорлиги - ю, образларнинг қуюқлигида кўзга ташланади. У ҳар бир сўзга, деталга, образга самимият билан ёндошади ва унинг зўммасига залворли маъно юклайди. Аммо бу юк ўқувчини толиқтирмайди, негаки, фикрни ташиётган сўзлар гоят енгил ва табиий жойлашади".

"ХАЛҚ БЎЛ ЭЛИМ!"

Муҳаммад Юсуф 1954 йилнинг 26 апрелида Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент Рус тили ва адабиёти институтида ўқиди. Шоир дастлаб "Китобсеварлар" жамияти, «Тошкент оқшоми» газетаси, 1986 - 1992 йилларда Ғафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ишлади. 1992 - 1995 йилларда "Ўзбекистон овози" газетаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида фаолият олиб борди. 1995 - 1996 йилларда Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқиди.

Муҳаммад Юсуфнинг дастлабки шеърлари 1976 йилда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида босилган. Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Эркин Воҳидов ёзганидек, "...Муҳаммаджон тугма истеъдод соҳиби эди. У бу истеъдодни ри-

вожлантирди, ўзига талабчан эди. У пайтларда унинг шеър-
ията тахаллуси йўқ. Муҳаммаджон Юсупов номи билан ижод
қиларди. Мен "Ёшлик" журнаlining бош муҳаррири эдим. У
вақтлар ёш шоирларнинг битта, таниқли шоирларнинг уч -
тўрт шеърларига жой ажратардик. Муҳаммаджоннинг шеър-
лари бу қобикни ёриб чиққан, унга бир саҳифа ажратгандик.

У жуда тез огизга тушди. "Тошкент оқшоми", "Ўзбекистон
овози" газеталаридаги фаолияти эса уни бошқа оламга олиб
кирди. Унинг танқидий йўналишдаги "луқмалари", кичик -
кичик қатралари, бир қатор мақолалари Мақсад Яхшиев номи
билан газеталар саҳифаларида тез - тез кўзга ташланадиган
бўлди. Сал кейинроқ у Муҳаммад Юсуф номи билан элга та-
нилди". 1989 - 1990 йилларда газеталар саҳифаларида шоир
шеърларига тўлиқ саҳифалар ажратиларди. Чунки, бу шеър-
лар ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан қарши оли-
нар, шеърхон кўнглини ларзага соларди. Эсимда, 1990 йилда
"Муштум" журналида босилган шоирнинг бир саҳифалик
шеърларини кўшнилар билан қўлма - қўл ўқиганимиз. Айни шу
кунларда Охунжон Маъдалиев ижро этган "Туркман қиз"
қўшигини каттадан кичиккача ҳиргойи қилгани ҳам кечаги-
дек ёдимда. Чунки унинг барча шеъри бирдек кўнгилга оҳан-
грабо куйдек яқин, мафтункор эди - да!

Шоирнинг биринчи китоби - "Таниш тераклар" 1985 йилда
чоп қилинган. Кейин "Булбулга бир гапим бор", "Илтижо",
"Ҳалима энам аллалари", "Ишқ кемаси", "Кўнглимда бир ёр",
"Бевафо кўп экан", "Ёлгончи ёр", "Эрка кийик", "Осмонимга
олиб кетаман" каби ўнлаб тўпламлари нашр этилди ва тезда
ўз ўқувчисини топди. Шеърият ихлосмандлари китоб дўкон-
ларидан шоирнинг янги чиққан китобини излашга ошиқиш-
ди, "тандирдан эндигина узилган" шеърларни газеталарда бе-
рилишини кута бошлашди.

Муҳаммад Юсуф 1997 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

масида ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосари лавозимида ишлай бошлади. Шоир ёшларни ҳар томонлама қўллаб қувватларди. 1998 йилда Биринчи Президентимиз томонидан Муҳаммад Юсуфнинг истиқлол йилларида эришган юксак ижодий муваффақиятларини эътироф этган ҳолга унга "Ўзбекистон халқ шоири" унвони берилди. Бундан ташқари биринчи президентимиз ҳам шоир шеърларининг мухлиси бўлган. 1999 йилнинг 16 февралда биринчи президентга суиқасд уюштирилганда, шоирнинг "Юртим деган Темурзодасин, Оллоҳ ўзи асрасин!" шеъри учун Ислом Каримов оинаи жаҳон орқали унга миннатдорчилик билдирганига гувоҳман. Шоирнинг рафиқаси Назира Саломова ўзининг "Ҳамиша барҳаёт шоир" номли мақоласида ёзади: "Муҳаммад Юсуф билан ҳамнафас яшаган йигирма икки йиллик умрим мобайнида унинг барча дарду қувончларига шерик бўлганман. Унинг энг буюк орзуси - ўз юрти, ўз халқининг озод ва обод бўлишини кўриш эди. Муҳаммад ака қон тўкмай қўлга киритилган озодлик учун, бу йўлда чеккан машаққатли заҳматлари учун Биринчи Президент номини чексиз ҳурмат билан тилга оларди. Чунки халқнинг асл шоири учун халқ озодлиги ва юрт тинчлиги ҳар нарсадан устун эди".

Шуни алоҳида айтиш лозимки, бутунги кунда ҳам ватанпарвар ва адабиётсевар Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг адабиёт ва шеърятни қадрлаши бу жабҳага берилаётган юксак эътиборида намоён бўлмоқда. Бу ёруғ кунларни ўз кўзи билан кўрганида, балки шоир қуйидаги шеърини яна бир бор ўқиган бўлармиди?!

*Дарё бўлиб жўшгин энди завқи улуг,
Байрамингда севинч кўз ёшинга қуллуқ,
Юртим деган жасур Юртбошинга қуллуқ,
Унга қанот бўлай десанг - халқ бўл элим.*

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов (марҳум) хо-

тирлайди: "Шу ўринда ҳурматли (биринчи) Президентимизнинг бу камсуқум шоирга шахсан эътиборини айтмай бўлмайди. Шоир Муҳаммад Юсуфга президент Ислоҳ Каримовнинг меҳрлари бобомиз Улугбек ҳақидаги қўшиқни эшитган пайтларидаёқ тушган эди. "Халқ шоири" унвонини ҳам мамнуният билан унга ўзлари топширган эдилар".

*Самарқандга борсам мен агар,
Улугбекни кўриб қайтаман.
У қон йиғлаб турар ҳар сафар;
Мен дардимни кимга айтаман?...*

ОРЗИҚИБ КУТИЛАДИГАН ШЕЪР

Муҳаммад Юсуф гапирганда ҳар бир сўзи юракдан отилиб чиқар, гўёки сўзга жон кирарди, унинг Ватан ва ёр ишқи билан йўғрилган ҳар бир сатри қўшиққа айланиб кетарди. Хонандалар концертидаги ва анжуманлардаги чиқишларини йиғилганлар тўлқинланиб, уни гулдурос олқишлар билан қарши олишарди. Шоир давраларга файзу барака бағишларди. У ўқиган шеър ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди. Концертлар назм ва наво кечасига айланиб кетарди. Таниқли хонандалардан бирининг концертида ўқиган шеърларини эшитган "Истиқлол" санъат саройида йиғилганлардан қарсақ чалмагани қолмаган, ҳисоби. Ургут шаҳрида ёзилган "Озода" номли шеърини оласизми, ёки "Туркман қизга" бағишланган сатрларини айтасизми, барча барчаси шеърят мухлислари қалбидан чуқур жой олганди. Чунки, у минглаб кишилар кўнглидаги дардни ифодалар, уни ҳис қила оларди - да. Шу ўринда таниқли адабиётшунос ва танқидчи Озод Шарафиддиновнинг бу борадаги фикрини келтириб ўтмоқчиман; "Муҳаммад Юсуф қўшиқлари билан эмас, аввало, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди.

Муҳаммаднинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзиладиганга ўхшаб туюлади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг - чи? Кўлингиздан келмайди. Унинг осон ёзиладиганга ўхшаб кўринган мисралари мухлисларини йиғлатди, кулдирди, ўз оғушига тортиб олди". Халқона оҳанглар ҳар бир кўнгилини жизиллатар, тутёнга келтирарди. У туркман қизни мадҳ этиш орқали ўз юртининг қизларини иболи, хаёли, ахлоқли ва одобли бўлишга чақирарди.

**Айланаман, Шарқни кезиб айланаман,
Иболи бир ёр тополмай ўйланаман,
Ўз юртимнинг сулувлари тил уқмаса,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман.**

Аслида туркман қиз бир баҳона, - дейди шоир "Содда Муҳаммадман..." номли шеърида, - сизлар тимсолингизда ўзбек момоларга хос одоб- ахлоқни ёки латофатли ва хаёли Кумуш-бибиларни кўриш эди, холос.

**Юртим сулувлари, сизга йўқ тараф,
Қошингизда ўсма юрса сирғалиб,
Узун сочингизни ўрсангиз тараб,
Боқса деган эдим, ой ҳам суқланиб.**

"ОНАМ ЙИФЛАР, ОНАМ У"

Шоир билан мулоқотда бўлганингизда суҳбатига тўймасдингиз. Тугилган кунларидан бирида (1999 йил 26 апрель) дўстим Файзулло Эшқулов (ҳозир Қашқадарё вилоятидаги «Аср жилоси» ва «Сандувоч» газеталари бош муҳаррири) билан шоирнинг Дархондаги уйига бордик. Муҳаммад Юсуф ҳамишадагидек дўстлар, ёш шоирлар даврасида эди. У ёшлардан ҳамиша ўз ёрдамини аямасди. Гапирса ҳам бўладиганини, дангалини айтар, ёзса ҳам айлантирмасдан гапнинг лўндасини айтарди.

Унинг яхши кўрган қўшиқларидан бири Фиёс Бойтоев ижросидаги "Онам у" қўшиғи эди. Шоир уйда ушбу қўшиқни такрор-такрор эшитар. Назира опа эса тугилган кун эмасми, ул бул

пишириб, таваллуд оқшомига тайёргарлик кўрарди. Дўсту- ёрлардан тинимсиз табрикномалар келиб турибди. Бир ёш йигит келиб, сеvimли шоирга Ўзбекистон Марказий Сайлов комиссиясининг ўша пайтдаги раҳбари Нажмиддин Комиловнинг табрик хатини топширди. Таниқли бўлсада, оддий инсонлигича қолган шоирнинг эса бундай эътибордан боши кўкка етди. Меҳмон кетгач, шоир яна ўзи яхши кўрган қўшиқни қайта - қайта эшитишга тушди, онасини соғинганини эса юз - кўзидан сездириб қўярди.

**Тонар бўлса қўлимдаги тор, дунё,
Уч кун ўтмай унутгай дўст - ёр, дунё,
Еру кўкни титратиб зор - зор, дунё -
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...**

Онангиз ҳаёт бўлса бахтингиз, агарда орамизда бўлмаса, ўксинасиз, ҳар сонияда унинг қадри билинади, баъзан юрагингиз тўлиб кетади, интикиб соғинасиз. Мирза Карим ёзганидек, сочлари оқ, хаста бўлса ҳам орангизда онам бўлсайди, деб яшайсиз. Онангиз ўрнини ҳеч ким босолмайди, босган изларини тўтиё қилганингиз билан уни тополмайсиз. Нариги дунёдан ҳеч ким қайтиб келган эмас. Шоир айтмоқчи, вақт борида отни қамчиланг, ота- онангизни рози қилинг. Алишер Навоийнинг "Насойим ул - муҳаббат" асарида ёзилишича, "Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуруб хирқасин ямайду эрди, салом қилдим ва ўлтурдум. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: онанг бор? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозаматига бор...Мен элик марта ҳаж қилибмен - бош ва оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасини сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигини менга бер!»

**Ҳеч нарса керакмас,
Болам, ҳеч дейсан,
Энди кеч дейсан- да,
Энди кеч дейсан.**

Юзимни босаман
Муздай юзингга,
Онажон,
Зор қилиб кетма изингга!..
Ўлим олдида ҳам
Бамимни ейсан.
Мен- чи, жим тақдирга
Кўнишимга боқ.

Ўзбек шеъриятида Муҳаммад Юсуфнинг ўз ўрни бор. Бу беназир шеърятнинг умри боқийдир. Шоир ижоди ҳақида гап кетар экан, унинг онасига, аҳли аёли ва қизларига бағишланган шеърларини кўплаб учратамиз. Айниқса, она - унинг шеъриятида етакчи мавзу. Таъкидлаш жоизки, Муҳаммад Юсуф шеърларида шоирнинг мунис ва меҳрибон оналарга, мушфиқ аёллар, умуман ўзбек хотин - қизларига бўлган юксак эҳтироми намоён бўлади. Бинобарин ўткир қалам орқали ифодаланган ўтли сатрлар сизнинг дардингизни тараннум этгандек, гўё!

*Гулдай кулиб юрмасмиди ўғлим деб,
Кўриб кўнғлим тўлмасмиди ўғлим деб,
Онанг ўлса бўлмасмиди ўғлим деб,
Онам йиглар, онам йиглар, онам у.*

Дарҳақиқат ,шоир айтганидек она бу дунёдаги энг меҳрибонимиз, энг яқин инсон ва энг жонкуяримиз. Барча нарсадан кўнглинг қолса, совуса, кўзларингга бу дунё қоронгу - тийра туюлганда, сенга юпанч бўлади ва "агар бир зот йигласа чин дилдан ҳам", албатта у она бўлади, - дейди Муҳаммад Юсуф худди тақдирига битилган чизиқларни аввалдан ўқигандек.

2001 йил 31 июлида 47 ёшида шоир Эллиққаълада вафот этганда, шундан сўнг унинг жасади ўзи туғилиб ўсган Марҳаматга олиб кетилганда, фарзандининг жонсиз танасини кўрган онаизорнинг афтодаҳол аҳволини тасаввур қилиш қийин. Балки Энахон аянинг шоир ўгли ёзганидек, "Онанг ўлса бўлмас-

миди, ўғлим деб" қилган доду- фарёди оламни титратгандир..
Ҳа, бу шафқатсиз, "отадан олдин болани олган, дунё", бераҳм
ажал ҳеч ким билан маслаҳатлашмайди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Муҳаммад Юсуфнинг
волидаи муҳтарамасига ўз таъзияларини йўлаб, таскину тасал-
ли берган эдилар, ўшанда. Шоир вафот этган пайтда "Марказий
Осиё маданияти" халқаро газетасида бош муҳаррир ўринбоса-
ри бўлиб ишлардим. Бу шум хабарни эшитишим билан ич - ичим-
дан менинг ҳам нимадир узилгандек бўлди. Наҳотки шундай
бўлса, дердим ўзимга ўзим? Уни бир неча кун олдин Мустақил-
лик майдонида кўрган эдим. Энди эса орамизда йўқ. Барча мат-
буот нашрлари шоирнинг вафоти ҳақидаги мақолаларни эълон
қила бошлади. Биз ҳам шоира Қутлибека Раҳимбоеванинг ма-
қоласини "Шеърим битди. Хайр" (М. Юсуф сатри) сарлавҳаси
билан газетага бериб юбордик. Устоз Анвар Жўрабоев(жойла-
ри жаннатда бўлсин)нинг ўзи қўлимдаги шоирнинг китобидаги
ушбу сатрни излаб топиб берди. Ҳа, ўзбек шеърини огир жудо-
ликка учраганди, ўшанда. Бундай забардаст шоир бу дунёга бир
келиб, миллионлаб мухлислар юрагини олиб кетди ва ўзи суй-
ган, қадрлаган, ёниб куйлаган халқнинг қалбига самимий оҳанг
бўлиб сингиб кетди. У талаффуз қилган ҳар бир сўз шеър эди,
аслида. Муҳаммад Юсуфнинг охирги кунларида у билан бирга
бўлган шоир Рустам Мусурмон шоир ҳаётининг сўнгги дамла-
рини оддий тафсилотларигача айтиб берган эди.

У Эликқаъла шаҳридаги маданият саройида мухлисларига
шеър ўқиётди ҳушидан кетади. Ўзига келгач эса шифокорлар
унга ўрнидан турмай ётишни маслаҳат беришади. Бироқ, шоир
юришни ихтиёр этади. Аммо шундан сўнг ...у иккинчи марта ўзини
йўқотади ва бу ёруғ оламдан кўз юмади. Ўзбекистон халқ шоира-
си (раҳматли) Ҳалима Худойбердиева ёзганди; "...Сизнинг (Му-
ҳаммад Юсуфнинг) вафотингиз ҳақида...эшитдим. Ичимда бир
томирим чирсиллаб узилиб кетгандек бўлди. Қанчалар гофилмиз.

- Ҳофизларнинг бир кунда сочи оқарди, - деб ёзди ўша кун-
лари эъзозли шоиримиз Маҳмуд Тоир. Мен бунга ишондим
...Сафарингиз охирлаб келаётгани, неларнидир айтишга шо-
шилаётганингизни қайдан билибмиз.

Тириклар шу, ҳар доим ёнидаги одамни ёнида мангу юра-
ди, деб ўйлайди, шекилли. Ўзи ҳам мангу юрадигандай гўё...
Фожиамиз ҳам шунда".

**Ўлсаму унутсанг мендай йигитни,
Ёгар йўлларингга афсус - андуҳим,
Оқ тулпордай миниб опшоқ булутни,
Уйингнинг устидан ўтади руҳим.**

Шеърят аталмиш бу кўҳна оташгоҳда оловдан яралган
сўз санъаткорлари ўз билганини айтади. "Жами буюклар бу-
юги, Жами бечоралар бечораси" қавмига мансуб Муҳаммад
Юсуф бу гулханда вулқондек тўлгонган юраги билан бепоён
дунёга сигмаган бўлсада, мўъжаз ва ихчам баёзда мангуликка
муҳрланди. Бунинг учун том - том китоблар эмас, балки "бир
даста шеър" кифоя бўлди, холос.

"БИСОТИНГДА "БАЙРАМ" СЎЗИ ЙЎҚ".

Она бу ҳаётнинг гултожи. Она бор - кўнгил бус - бутун.
Ота - онаси борлар, дунёдаги энг бой инсонлардир. Ота - она
рози - Худо рози!

**Етмиш юдуз ёгилиб,
Ярим ойча бўлолмас.
Етти янга йигилиб,
Битта она бўлолмас.
Она тирик эшикка
Фурбат яқин йўлолмас,
Менинг эса, бағрим қон,
Вайронаман, Онажон.**

Шоир халқона ифодалар билан шеърхон кўнглига йўл топади,
ва уни эгаллайди, керак бўлса ларзага солади. Чунки у тасвирла-
ган туйғу энди шеърхонниқига айланади. У "сенсиз гариб кўнглим
кўнглими онам" деган бир мисрасида она - қалб қувончи эканли-
гини ифодалай олган. У "Гарчи бисотингда "байрам " сўзи йўқ"...
Сенга на гул бердим, на ширин калом" дея ўз ўқувчисини онаи-
зорлар қадрига етишга, ҳолидан хабар олишга чақирган бўлса, не
ажаб! "Дейсан: олисларда омон юрсанг бас, Ёдингга тушсам гоҳ
йўқлаб турсанг бас". Албатта, дийдор ганимат. Бу беш кунлик
дунёда ота - она розичилигини олишга нима етсин?

Согинч ҳақда шеърлар

Ёздим ўзимча,

Меңдан - пешонангда

Доғлар тизимча.

Ўглинг бўлмай ўлай,

Аттанг, минг аттанг,

Қиз турсанг нетарди,

Кўпроқ қиз турсанг!..

Тиргак бўлолмадим

Битта қизингча,

Уялмай шоирман

Дейишимга боқ.

Шоир она образи орқали волида ва фарзанд ўртасидаги
муносабатларни бутун бўй - баста билан кўрсата олади. "Йўл
қараб бўлдим, жигаргинанг қон", "сен мени яратдинг, сени
тутатдим", "Сен сўлиб, Мен яшнаб тўлишимга боқ", дея шеъ-
рийят ихлосмандларини тириклик фурсатини бой бермасдан
оёғи остида жаннат бўлмиш - Онанинг розичилигини олишга
даъват этади. Ҳа, Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳам, дунёнинг улуг
мутафаккирлари ҳам ота - она хизматида бўлишга, уларни
эъзозлашга чақиринган. Уларнинг дуоси сизни бало - қазо-
дан асрайди. Муҳаммад Юсуфни ҳам она дуоси бир умр қўлла-

ган бўлса, не ажаб. Ривоят қилишларича, Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолога жаннатда унга ким қўшни бўлишини билдиришини сўраб, ёлворибди.

Бир куни шундай нидо келибди:

-- Эй Мусо, фалон ерда яшовчи қассоб сенинг жаннатдаги қўшнинг бўлади...

Мусо алайҳиссалом қизиқиб, қайси яхши амали учун бунга лойиқ бўлганини билиш ниятида йўлга чиқибди. Ҳазрати Мусо ўша одамни қидириб топибди. Қассоб Ҳазрати Мусони ҳақ пайгамбар эканини билган, иймон келтирган, лекин ўзини кўрмаган эди. Шунинг учун уни танимади. Кечқурун қассоб Ҳазрати Мусони уйига олиб кетди. Овқат тайёрлади. Дастурхон ёзди. Овқат ейишдан олдин, қассоб деворга осилган замбилни ерга туширди ва ундан ҳаракат қилишга сира мажоли йўқ, қариб қартайиб қолган кампирни чиқарди. Худди гўдакни овқатлантиргандек, уни едирди, ичирди ва яна замбилга кўйиб, оҳиста деворга осди. Шунда кампир нималардир деб пичирлади. Кекса кампирнинг нима деганини тушунолмаган Мусо алайҳиссалом саволомуз қассобга боқди:

-- Ўғлим, бу кампир киминг бўлади?

Қассоб мусофирга жавоб берди:



-- Бу аёл менинг онам бўладилар. Ўтириб - туришга, овқат ейишга сира ҳоли йўқ. Шу боис ўзим едираман, ичираман, тозалигига қараб парваришлайман. Қўлимдан келгунича кўнглини олишга интиламан.

Мусо алайҳиссалом:

-- Ҳозиргина у сенга гапиргандай бўлди, нима деди?

Қассоб деди:

-- Эй Тангрим! Мен ўғлимдан хурсандман. Сен ҳам ундан рози бўл. Жаннатда уни Ҳазрати Мусога қўшни қил. Ота - онанинг фарзанд ҳаққига қилган дуоси мустажабдир. Ана шунда Мусо алайҳиссалом ўзини танитадиган



Фурсат етганини тушунди ва :

-- Мен Аллоҳнинг пайгамбари Мусо бўламан. Аллоҳдан жаннатдаги қўшним ким бўлишини билдиришини илтижо қилган эдим. Жаноби Ҳақ сени билдирди. Сенга хушхабар бўлсин. Онангга қилган хизматинг учун Аллоҳ сендан рози бўлди. Онангнинг дуосини қабул айлади. Аллоҳ сени жаннатда менга қўшни қилди, - дея ўз сўзини тугатди.

Келинг яна Муҳаммад Юсуф шеърлари таҳлилига қайтсак, азиз ўқувчи, шоир қуйидаги сатрлар билан айтмоқчи, узоқда бўлсангиз ҳам ота - онангиз ҳузурига шошилиб, бу ганимат дунёда бориб дуосини олинг!

...Шеърим битди.

Хайр.

Дўстлар хуш қолинг.

Бедил яшамакка

Ўрганманг меңдек.

Боринг,

Волидангиз кўнглини олинг,





Эртага

Кеч қолиб,

Ўртанманг меңдек.



Дарҳақиқат, айримларимиз волидаи муҳтарамамизнинг тириклигида қадрламаймиз, онамиз бизни соғиниб, эътиборимиз, бир оғиз ширин сўзимизга, кўнгиругу хатимизга зор бўлиб бу ёруғ оламни тарк этади. Аммо вафот этгандан сўнг етти маҳаллани чақириб, тўкин дастурхон ёзиб, маъракани тўйга айлантириб юборамиз. Бу нимаси ахир? Тўқликка шўхликми? Ёки ўзини ва "ошиб - тошиб ётганини" кўз - кўз қилишми? Нега бундай «ҳурмат»ни ҳаётлигида қилишмади? Ёки вафот этишини кутишдими? Наҳотки, кўзларимиз жуда кеч очилади? Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) "Тириклар уйқудадирлар, ўлгач уйғонадирлар" деганларида минг бора ҳақ эдилар.



Аммо ўлгач дастурхон ёзиб, исрофгарчиликка йўл қўйгандан кўра, унинг тириклигида кўнглини олиш, розичилигига эришиш савоблироқмиди? Афсуски, умримиз кўз очиб- юмгунча "ўтиб кетади, ота - онамизни охирги манзилга кузатгач эса "нега тириклигида, қадрламадим" дея лабимизни тишлаймиз. Сўнгги пушаймон ўзинга душман. Дарвоқе, бошимиз деворга текканида, йўл қўйган хатомизни тушуниб етганимизда кеч бўлади. Муҳаммад Юсуф шеърлари орқали бу ҳақда бонг уради ва она билан бахт бекам эканлигини ўз ўқувчисига қайта - қайта сўзлайди ҳамда "Онамга хат" шеърини "Бахтимга ҳаммиса сиз соғ бўлинг деб, Соғинган ўғлингиз - Муҳаммад Юсуф" дея яқунлайди. Аммо у онасини оёқ ости қилиб қадрламайдиганларни қаттиқ танқид остига олади.

Тепамда мўлтирар
Ой соҳибжамол,
Юлдузлар бошимга
Ёғилган савол.
Олис қишлоқ. Почта.
Қари онам лол...
Юзта қўшиқ ёздим,
Бир хат ёзолмадим.
Энди қандай ухладим.

"МИЛЛАТНИНГ ЮРАГИ БЎЛАЙЛИК"

"FIDOKOR" газетасида ишлаган давримда Муҳаммад Юсуфдан интервью олиш учун (2000- йилда) уйига қўнгироқ қилдим. Катта лавозимда ишлашига (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари эди, ўшанда) қарамасдан белгиланган манзилга ўзбекнинг чапани шоир йигити оқ тикода етиб келди. Сухбапти бирам мароқли эдики, унинг ёнидан кетгингиз келмасди. Шеърни ҳам ўқувчига етказиб, чин дилдан ифодали ўқирди.

"Куни кеча ойнаи жаҳондан бир гуруҳ зиёлилар қатори

сиз ҳам (биринчи) президент билан учрашганингизни кўрсатишди?" - дея савол билан шоирга боқдим. "Ҳа - я, Президентимиз Тошкентда бўлиб ўтган Ёшлар фестивалига юқори баҳо бердилар. Мендан унга нега қатнашмаганим сабабини сўрадилар. Мен мустақиллик байрами арафасида Фаргона бўйлаб бир қатор ижодий учрашувларда бўлганим туфайли тадбирда қатнашолмаганимни айтдим" деди шоир жумладан суҳбатимизда. Бу тадбирда шоирнинг "Тавалло" номли қўшиғи Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова ижросида бутун стадионни оёққа турғизганди!

*Қалқонинг бор, ким қасд қилса гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга,
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўйиб,
Ёвлар яқин йўлолмагай қўргонингга.
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!*

Муҳаммад Юсуф билан қуйидаги суҳбатимиз мазкур газетада ва "Миллатнинг юраги бўлайлик" сарлавҳаси остида "Мустақиллик моҳияти" китобимда эълон қилинган, бундан ташқари 2000 йилда "Ўзбекистон" нашриётида чоп қилинган "Огоҳлик ва фидокорлик - мамлакатимиз равнақининг калитидир" номли мажмуада ҳам берилган;

"- Албатта, ҳали ҳам кўпчилик одамларимиз мустақилликни омондан тушган деб ўйлашади. Гўёки шундай бўлиши керак эди, - деган эди Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф, - Ҳолбуки, президентимиз миллати равнақи учун жонини жабборга бериб, собиқ иттифоқда биринчи бўлиб Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилди, биринчи бўлиб. Чунончи, бу улкан жасорат ва довжораклик талаб қилган. Йўлбошчининг ушбу қадамини бошқалар ўт билан ўйнашиш деб баҳолаган. Ваҳоланки, мазкур қутлуғ қадам миллатни асраб қолиш ва қудратига қудрат қўшишнинг дебочаси эди.

Қолаверса, мустақиллик эрксевар аждодларнинг қони эва-

Зига қўлга киритилган. Озодлик учун Тўмарис ўглидан, Спитамен эса бошидан жудо бўлган. Истиқлол деб Муқанна оловда ёнган. Ҳа, миллат шаъни учун минглаб фарзандлар ўлимга тик қараб озодликни асраб қолишга ҳаракат қилишган. Тарихда ўз озодлигини сақлолмаган миллат қирилиб кетган.

Уйингизда сизни кутди, кел, деб тўрам,
Келинчаклар кокиллари тарам - тарам,
Кўнгилга ёр сигармиди юртда қарам,
Жангоҳлардан жилмадингиз "босмачилар".
Босмачимиш...Бундай демиш қай бемаъни,
Тутмайдими бир кун уни беклар қони...
Ҳамма сиздек ўз юртини суйса қани!
Беҳуда қон тўкмадингиз, "босмачилар".

Биласизми, инсонда юрак деган анатомик жисм бор. Юрак нафақат, инсонда, балки ҳайвонларда ҳам мавжуд. Аммо ҳаммада ҳам қалб, онг, руҳ бўлавермайди. Дили, ақли, онги, руҳи, орияти ва эътиқоди бўлган одам мустақиллик қадрини биледи. Ўз ташвишига ўралашиб, халқ билан заррача иши бўлмаган инсоннинг жамиятга кераги йўқ. Содда қилиб айтганда, жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси миллат ва мамлакат тақдирини учун масъулдир. Мамлакатнинг шаъни - шукуҳи унинг мустақиллиги билан ўлчанар экан, инсоннинг ҳам инсонлиги озод ва эркин юртда яшаши билан белгиланади.

- Муҳаммад ака, мустақиллик тушунчасининг мазмун - моҳиятини ёшларимиз онгига сингдириш учун қандай чора - тадбирлар ишлаб чиқишимиз ва нималар қилишимиз даркор деб ўйлайсиз?

- Ёшларимиз жуда билимли. Улар истаган тилда гаплашиб, компьютерни сайратиб юборишади. Дарҳақиқат, улар ўзлаштирган билимлар миллат равнақига хизмат қилади. Лекин гап шундаки, биз бутун мамлакат ёшларини ўйотишимиз керак. Токи улар "XXI аср - Ўзбекистон асри бўлади. Биз ақл билан

дунёни лол қолдирамиз. Мамлакатимизни ҳеч кимга бермай-
миз" деб яшашсин.

**Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Ҳам оқ ювиб - тарагансан ўзинг бизни,
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлгаймиз, сени Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!...**

"Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" дея яшаш учун эса президентимиз айтганидек, миллий гурур ва ифтихор туйгуларини ёшлар қалбига сингдиришнинг янгича усул ва механизмларини ишлаб чиқишимиз керак. Гапнинг ўғил боласини айтганда, ёшларимизнинг ҳеч кимдан камлик жойи йўқ, кам бўлмайди ҳам. Боз устига Оллоҳ инъомини қарангки, бошида халқпарвар ва гамхўр раҳбари бор.

Ёшлар ҳақида гапирганда, бир огриқ жиҳат эсга тушади. Гарчи миллий гурур ва миллатта фидойилик тўғрисида тўлиб - тошиб ёзсак - да, баъзиларимиз оиламизда фарзандларимизга ватанпарварлик туйғуси тўғрисида лом - мим демаймиз. Турмуш ташвишлари деймизу, уйимизга меҳмондек келиб кетамиз. Бурчимизни эса унутиб қўямиз. Жалолиддин Мангубердию, Торобийдан, Куброю, Амир Темурдан қизиқиб сўрашса ҳам ўзинг ўқиб ол, деб жеркиб берамиз. Аслида биз ота - оналар эркесвар аждодлар жасорати орқали мустақиллик мазмун - моҳиятини болаларимизга чуқурроқ тушунтириб беришимиз керак. Керак бўлса, озодлик тушунчаси она алласи ва сути билан бола қонига, вужудига кирсин. Ана шунда миллат пайдо бўлади, халқ пайдо бўлади, қўргон пайдо бўлади.

**Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна,
Довруги ҳам дарди сендек ким бор яна,
Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг - халқ бўл, элим.**

Айрим ёшларимиздаги маҳаллийчилик иллатига тоқатим йўқ. Ўзбек ўзбекка қараб қаердансиз дейдими - эй-?! Ахир бу уят эмасми? Ўзбекистон битта- ку!? Президентимиз айтганидек, Самарқанду Хоразмнинг бетакрор ёдгорликларини, Нурота тоғларида куйлаган бахшиларни, Сурхоннинг ажиб шаршараларини, Фаргона водийсию Тошкент боғларини, Қорақалпоқ ўланларини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси "шуларнинг ҳаммаси бизникидир" деб фахр билан айта оладиган даражага етганида, биз бир бутун ва енгилмас миллат, халқ бўлдик деб айта оламиз. Албатта, биз ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, бошини бириктирсак, мамлакат кипригини ҳеч ким тўқолмайди, - деган эди Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ўз интервьюсида.

"БОШ ҚОЛМАДИ ДЎППИГА ЛОЙИҚ".

Муҳаммад Юсуф "Дўппи" номли шеърини қуйидагича бошлайди: "Дўппи киймай қўйди одамлар, Бир шоир, бир носирдан бошқа". Шоир ҳақ. Дўппилар ўрнини шапкалар, шляпалар, кепкалар эгаллади. Агарда дўппи кийсанг, атрофдагилар бу ишингдан ажабланиб, "бирор кишинг оламдан ўтдимми?" - деб сўрайдиган бўлиб қолишди. Очиги ҳозир ҳам таъзияга борсаккина дўппи кийиб борамиз, ундан қайтгач эса дарҳол қатлаб чўнтакка соламиз. Аслида дўппи - ўзбекнинг миллий бош кийими! Уни бошига бирор иш тушганда эмас, аксинча ҳар доим кийиб юрилган. Ҳозирчи йигитларимиз бош яланг ёки гарб бош кийимларини кийиб юришади. Қизларнинг бошида эса фақат зиёраттоҳларга борилганда ёки бирор яқин кишиси қазо қилганда рўмол кўрасиз, холос. Шоир айтганидек, Миртемир ва Фафур Фуломлар қанда қилмасдан ўзбекона дўппини бошдан туширишмаган. Қолаверса бу нарса ўзбеклигидан фахрланиш ҳиссини ҳам ўйготади - да! Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али хотирлайди; "Эсимда бор, ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охирлари эди чамаси,

Ёзувчилар уюшмасида катта мушоира бўлди. Ёш бир йигитча минбарга чиқиб, таниқли шоирлар қаторида шеър ўқиди, ўқиди-поулоқни олиб кетгани билинди! Бу ёш шоир Муҳаммад Юсуф эди, унинг шеъри дўппига бағишланганди. "Бош қолмади дўппига лойиқ" сатрини келтирганда, зал олқишларга тўлди. Назокат билан айтилган, чуқур рамзий маънога эга бу шеър ўзбекликни, ўзбекни улугловчи, гуруримизни юксакка кўтарувчи тимсол сифатида жаранглаганди. Шоир дўппига лойиқ одамлар бўлишини, шуларнинг сафида шаҳдам юришни орзу қилди".

Бу қандайин кўргулик савдо,
Дўппи киймай қўйди халойиқ.
Бошга лойиқ дўппи йўқдир ё -
Бош қолмади дўппига лойиқ.

"ЁЛҒОНЧИ ЁР..."

Шоирни кўча куйда кўп кўрардим, суҳбатлашгим келса уни Ёзувчилар уюшмасидан топардим. Истараси иссиқ Муҳаммад Юсуф доим ижодкорлар қуршовида юрарди.

Учрашувларга "Муҳаммад Юсуф ҳам келган" хабарини эшитиш билан ҳамма- ҳамма ушбу кечага талпинарди. Чунки, у баланд пардаларда ўзининг мафтункор, хушоҳанг шеърлари билан давра аҳлини ўзига маҳлиё айларди. Шунинг учун ҳар қандай одам шоир шеърларини ўз тилидан мириқиб эшитгиси келар ва тинглаб "мазза" қилганидан узлуксиз қарсақлар оқими-га жўр бўларди. "Шоир бўлса, шундай бўлсин", - дейишарди ўшанда. "Обиҳаёт" маҳалла фуқаролар йигинининг хотин- қизлар билан ишлаш бўйича мутахассиси, **Талимаржон шаҳар хотин - қизлар қўмитаси раисаси, шоир шеърларининг ашаддий мухлиси Нусратой Раҳимова** ҳикоя қилади; "Унинг таниқли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Ғиёс Бойтоев** билан ҳамкорликдаги гастрол учрашувларидан бирида қатнашиш бахтига муяссар бўлганман. **Ғиёс Бойтоев** Муҳаммад

Юсуф шеърлари билан айтиладиган 16 та қўшигини жонли ижро этди. Концерт мобайнида шоирнинг ҳар бир чиқишидан давра аҳли бир "қалқиб", тўлқинланганига, ундан яна ва яна шеър ўқишини илтимос қилганига гувоҳ бўлганман".

**Мажнун бўлдим, саҳроларда бир соя йўқ,
Менга офтоб - қароқчидан ҳимоя йўқ,
Унгимда чўғ, сўлимда чўғ кўнглимда чўғ,
Жоним сайёд қўлидаги жайрон - жайрон,
Ёлгончи ёр, ёлгонларинг тугар қачон?...**

Шоир ижодининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу унинг шеърлятида устоз Саъдулла Ҳаким таъбири билан айтганда, олтин ёмбидек ярқираб турувчи соддалик, оддийлик ва халқоналикдир. У шу томондан ҳар бир мавзунини ўткир ва таъсири қилиб ифодалай олар, ўзи "ёниб" ёзгани тўфайли ўзгаларни ҳам "ёндир" оларди. Унинг ҳеч бир шеъри ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди. Радиодан янграган сатрларини кетаётган одам бирпас тўхтаб эшитар, шеърлари чоп этилган газета нусхалари эса қўлма - қўл бўлиб кетарди.

Ўтган асрнинг 90 йилларида шоирнинг энг машҳур бўлган қўшиқларидан бири "Кўнглимдаги ёр" ашуласи эди. Хонанда ҳам уни маромига етказиб ижро этган - да. У икки ўтда қоврулиш, бирваракайига икки ёрга кўнгил беришни "бу қандай кўргулик экан" деб изоҳлайди. 2014 йилнинг ёзидан бошлаб эса ёш хонанда Сардор Мамадалиев шоирнинг ушбу ажойиб қўшигини янгича оҳангда ижро этмоқда. Тўғриси, у кўпчилик қатори менга ҳам маъқул бўлди.

**Муҳаббат боғига кирмадим бир бор,
Суйиб бир гулга қўл урмадим бир бор,
Энди тунлар йиғлар, менга қўшилиб,
Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр.**

ТОҲИР МАЛИК ВА ТАҲАЛЛУС

Бу кишини Муҳаммад Юсуфшунос десак ҳам бўлади. У киши "Муҳаммад Юсуф сабоқлари" китоби муаллифи. Ана шу Шукур Қурбоннинг ҳикоя қилиб беришича, "Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида мен (Шукур Қурхон)"Шарқ юлдузи" журнали таҳририятининг шеърият бўлимида хизмат қилардим. Тоҳир Малик масъул котиб эдилар. Кўпчилик шоирлар қатори Муҳаммадjonнинг шеърларидан бир даста тайёрлаб, аканинг ҳукмига ҳавола этдим. **Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик** уларни ўқиб, илиқ фикрлар билдирдилар.

Кейин қўшимча қилдилар;

- Лекин имзосини ўзгартирамиз.

- Имзосини? Нега? - ҳайрон бўлдим.

- "Муҳаммад Юсупов" эмас, "Муҳаммад Юсуф" имзоси остида эълон қиламиз бу шеърларни.

- Қандай бўларкан?

- Яхши бўлади; "Муҳаммад" ҳам, "Юсуф" ҳам пайгамбарларимизнинг исмлари. Уларга "ов" қўшимчасини қўшиб, ўзимизни бегоналаштирмайлик.

Мен бу фикрга қўшилдим.

- Шоир келса, розичилигини олинг. Бўлмаса менга учрашсин, ўзим тушунтириб қўяман.

Шундай қилиб, бу шеърлар "Муҳаммад Юсуф" таҳаллуси остида берилди ва Ёзувчилар уюшмаси Поэзия секциясида йилнинг энг яхши шеърлари сифатида эътироф этилди".

"РИМНИ АЛИШМАСМАН БЕДАПОЯНГГА!"

«Фидойинг бўлгаймиз, сени Ўзбекистон, Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон» сингари шоҳ сатрлари эса ёшларнинг широрига айланган эди. Унинг ҳар бир сатри зимдан соддароқ туюлса-да, аммо унда теран ва образли мушоҳадалар ўз аксини топган.

"Сайланма" сидаги ҳар бир шеърда она - Ватан тараннуми,

Эл хизматига камарбасталик, ўз халқига фидоийлик, самимият, жўшқин эҳтирос, пурмаънолик, жозиба ва бетакрорлик мужассам! Ҳа, у "Римни алишмасман бедапояннга!" дея бир сатрга она юртига бўлган чексиз муҳаббатини сигдира олди. Айтинг, Ватани яна ким бундай сева олади, "ўзинг менинг улуглардан, улугимсан, Ватаним..." дея олади. Муҳаммад Юсуфга хос ёндошувнинг оҳанграбосию жозибаси ҳам ана шунда! У юртини шу қадар кучли севардики, ҳатто бир бедапоясини ҳам кўҳна дунёнинг латофатли шаҳри азими Римга алишмасди. Шоир учун она юртнинг ҳар қарич ери муқаддас, Андижони азиз, Сурхони азиз, у жаннатмонанд дийрнинг сочидан товонигача яхши кўради.

Менга еринг суюк,

Осмонинг суюк.

Боқсам, тенг

Тўртала

Томонинг суюк.

Товонимга кирган

Тиконинг суюк -

Кафтдан

Зирагчанг ҳам

Юлмай севаман.

Унинг шеърларида Ватан том маънодаги саждагоҳга, Каъбага айланади. Шоир Ватанга қарата: "Бу ёруғ жаҳонда Йўғи боримсан, Тилимнинг остида Наввот - заримсан. Сен менинг ягона Пайгамбаримсан, Мен Билол, Мен Ҳабаш - Қулдан севаман " дейди у. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси, шоир Саъдулла Ҳаким "Мардона ва ўзбекона шеърят" мақоласида, жумладан, шундай ёзади; "У мамлакатимиз озодлигини, ҳеч иккиланмай, Қодирий ва Чўлпон каби улуг ижодкорларнинг кўксини куйдириб кетган буюк армон ижобати сифатида қабул қилди. Шу боис бутун борлигини, истеъдодини Ватан мадҳини тараннум этишга бағишлади. Ҳақиқат шуки,

Она - Ватанга муҳаббат мавзуида Муҳаммад Юсуф қадар кўп ва хўб ёзган шоирлар саноқли. У бир шеърда "Дўстлар, оғиз тўлдириб - Ватан дея олмоқ ўзи бахт экан", деб ёзса, бошқа бир шеърда "Ватан - юрагимнинг олампаҳоқи" дея улуглайди". Ўзбек шеърлятида она Ватанимизни "серқуёш ўлка", "Серқуёш замин", "серқуёш юрт" деб аташганига гувоҳимиз. Аммо Муҳаммад Юсуфдек ҳеч ким серқуёш юртни "офтоб айвони" демаган. Унинг ижодида такрорланмас ўхшатишлар, беназир ташбеҳларга дуч келасиз.

**Алпомишлар юрти бу диёр,
Достон бўлган Рустамлари бор.
Шу ўлкада офтоб айвони,
Шу ўлқадан бошланар баҳор.**

Албатта, Ўзбекистоннинг биринчи президенти таъбири билан айтганда, юртга Муҳаммад Юсуфдек ватанпарвар шоирлар керак. "Агар биз, - деб таъкидлаган эди Ислон Каримов, - Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улугламоқчи, аждодлар хотирасини боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуг адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса - миллат яшайди". Ҳозирда Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ҳам устози каби улуг ижодкорларни тарбиялаш йўлидан бормоқда.

Миллий адабиётимизнинг улуг шоирларидан саналмиш Муҳаммад Юсуфдек Ватан куйчиларининг сатрлари мурғак қалбларга муқаддас Ватан туйғусини экиши, шакллантириши, мустаҳкамлаши бор ҳақиқат. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг ёзишича, "Юртимизнинг танти ва жўмард ўғлонларидан бири Муҳаммад Юсуф ўз шеърларини куйлаб ёзар эди, унинг шеърлари мусиқадек куйилиб келар, ҳали сиёҳи қуримай қўшиқ бўлиб кетарди. Қўшиқлари шунчалар

самимий ва табиий эдики, ўз - ўзингдан хиргойи қилиб юборганингни билмай қолардинг, киши. У чинакам халқ шоири, мустақиллик учун курашган ижодкорлардан биридир... У том маънодаги Ватан куйчиси. Шоир назарида, Ватанга муҳаббат - Ватан учун фидо бўлмоққа тайёр туриш, ўзига ҳеч нарса тиламаслик, буюк садоқат, ихлосдан иборат".

*О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркем,
Римни алишмасман бедапоянгга.*

Яна такрор бўлса ҳам айтаман, антик давр тамаддуни ўчоги бўлмиш, кўҳна дунёнинг қадимги шаҳри Римни шоир Ўзбекистоннинг бир бедапоясига алмашмоқчи эмас, чунки бу юрtdаги ҳар бир гийёҳ унинг учун бебаҳо, кўзга тўтиё қилгудек, сув ўтириб ичгудек! У ўз юртини шу даражада севадики, ҳатто соясига жонини тўшашга тайёр.

Бирон бир шеърида миждов, англаб бўлмас, тушунарсиз, тумтоқ, чала гаплар, мубҳам туйғулар, чучмал иборалар йўқ. Ҳар бир сўзи, сатри ҳаммага бирдек тушунарли, зиёли учун ҳам, деҳқон учун ҳам. У халқ тилида халқ дардию ташвишлари, бахту саодатини ифодалай олган. Шунинг учун Муҳаммад Юсуфни ҳамма ўзининг шоири ҳисоблайди, шеърларини ўқийди, бир марта ўқиши билан ёдига ўрнашиб қолади. Ундаги ёқимли оҳанг шеърхонни ўзига сеҳрлаб қўяди. Филология фанлари доктори Йўлдош Солижонов ёзади: "Муҳаммад Юсуф деганда кўз ўнгимизда "шеърятнинг қадим буюк сўқмоқларида ширин азоб билан " жонини ёқиб, бир қўлида гул - у бошқасида чақмоқ кўтариб бораётган, бағрини пора - пора най айлаган шоир гадаланади. У шеърят аталмиш чўққига чиқишининг азобларини елкасига олган, аммо бу йўлдан қайтишни мутлақо истамайдиган ўжар ижодкорлар хилидан" эди.

*Шамол сабаб, эҳтимол,
Тунда эшик гичирлар.
Бошланади қишлоқда
Шунда пичир - пичирлар.
Сизга нима?
Сиз ухланг,
Ҳеч ишингиз бўлмасин.
Кимда кимнинг кўнгли бор,
Қўяверинг, ўйнасин...*

Унинг ёрқин туйгулар ифодаси бўлган сатрлари ҳар қандай кўнгли торини чертиб юборади. Шоирнинг шеърий қудрати ҳам ана шунда. **Филология фанлари доктори Нўмонжон Раҳимжонов** "Ҳаётсеварликнинг рангин қирралари" номли мақоласида баён этади; "Муҳаммад Юсуф лирикасининг жозиба кучи, салоҳияти шундаки, у аввало халқ қўшиқлари руҳини тиклади. Унинг шеърлари оҳанги, ритм қурилиши, маънос гамгин - неқбин кайфият манзаралари, ўйчан - дилгир кўнгли тебранишлари бир - бири билан ўрин алмашинади. Ҳис - туйгуларнинг кайфият - ҳолат манзараларини ҳосил қилади.

*Ҳай - ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр - ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр - ёр..*

Муҳаммад Юсуф психологик кечинмаларни шеърлари мундарижасига айлантирди: кайфият, ҳолат, кечинмалар силсиласидан иборат руҳоният иқдимлари билан қўшиқчилигимизни бойитишга муваффақ бўлди. Шоир шеърларининг халқоналиги, умрбоқийлиги шундан".

*Руҳим кўқда,
Тупроқда танам,
Бағримни тилкалар бир оғриқ,*

Энди бахтим ўзингга боғлиқ -
Шеъроят, эй бағритош санам!...

Албатта, Муҳаммад Юсуфнинг ақалли бирор бир шеърини ўқимаган ватандошимиз бўлмаса керак. Чунки у ўтти мисралари билан шеъроят ихлосмандлари қалбини забт этди. Унинг сатрлари билан истиқлолнинг улугворлиги, "бу дунёда энг ёруғ бахт - эл тинчи" эканлиги ва Ватан туйғуси ҳар бир хонадонга, ҳар бир мурғак қалбга кириб борди ва кириб бормоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, устозимиз Сайди Умиров "Эркил юртнинг эрка шоири" номи мақоласида ёзади: "Назмлари, назарингизда, қайнар булоқдай, мисралари тоғ бағридан ўйноқлаб оқиб келаётган шалолалардай. Баъзилар наздида Муҳаммад Юсуф учун шеър ёзиш сув ичгандай, писта чаққандай осон туюлиши мумкин. Ҳолбуки унинг учун ҳар бир сўз, ибора, образ узоқ изланиш, ўйланиш, қайта - қайта ишлаш, тунларни уйқусиз ўтказиш натижасида юзага келганлиги, озу соз ёзганлигини рафиқаси Назира Саломова кўп хотирлайди. Дарҳақиқат, битта шеър орти - етти шеърга татиғулик, бир китоби бир нечта китобнинг ўрнини босғулик. Ўйлаб ёзди, ўйнаб ёзди, кулиб, ҳиссиётга берилиб йиглаб ёзди, мухлисари кулиб, ҳаяжонланиб, йиглаб ўқишди, ёд олишди. Бастакорлар, ҳофизлар шоирни излаб келишди, назмларини севимли қўшиқларга айлантиришди".

Ялпизлари
Кўкка туташ,
Тунлари зар,
Тонги маржон.
Юлдузлари - қотган қуёш,
Қуёшлари куйдирмажон.
Олтин тупроқ,
Зумрад далам,
Ипак карвон,

Олмос қалъам,
Кузда кетган қушлари ҳам,
Баҳор қўмсаб қайтган айвон -
Ўзбекистон, Ўзбекистон!...

Иккиланмасдан айтишим мумкинки, Муҳаммад Юсуф шеърияти миллий ўзликни англашдан сабоқ беради, ана шундай озода ва обод Ватандан фахрланиш туйғусини уйғотади, ёш авлодга ватанпарварлиғу халқпарварликдан, алаҳқусус миллий истиқлол гоҳисидан таълим ва тарбия беради. Биринчи президентининг "Биздан озода ва обод Ватан қолсин!" номли бетакрор фикри шоирнинг шеърларида иниъокс этади:

Бизнинг манзил оқ ойдин,
Офтоб сари йўлимиз равон,
Миллат учун керак бўлса гар,
Минг бир фидо бўлмасми бу жон.
Жон чекмасанг қайдан қолади,
Биздан озода Ватан қолади.

Ҳақиқатан, шоир шеърияти бетакрор маънавий хазина. Бу хазина баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда ва хизмат қилажак. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ибораси билан айтганда, "Муҳаммад Юсуф - дилида кўри, сўзида нури бор шоир эди... Сиз Ватан ҳақида ўйласангиз, у сизга Ватанни қандай севишни, қадрлашни ўргата олади. Сиз севги, муҳаббат ҳақида хаёлга чўмсангиз, у севганда ўзини унутиб севади. Сиз беихтиёр мен ҳам шундай севолсам эди, дейсиз. Сиз кўриб кўзга илмаган қизгалдоқни у гўзалликнинг энг ёрқин тимсолига айлантира олади. Наҳотки... деган сўз қалбингизни қитиқлайди. Наҳотки, мен буни аввалроқ ҳис қилмагандим, кўролмагандим, дейсиз. У сизга бу олам гўзаллигини, инсоний муҳаббатни, дардни, аламни, сиз кўришни тасаввур қилгандек кўрсата олгани учун ҳам уни ўзингиз қадаб яхши кўра бошлайсиз. Тўғрироғи, тан оласиз.

Муҳаммад Юсуф ўз она Ватанини қандай иddaосиз севган бўлса, ўз ёнида, ўзидан узоқда юрганларни ҳам ана шундай иddaосиз тан олдирган шоир эди". Унинг муҳаббати самимий ва ҳароратли эди. Бу севгида таъма, зарда, иddaо йўқ, яъни у Ватандан ҳеч нарса кутмайди. Ёки "Ватан менга нима қилиб берди" демайди. Аксинча, у Ватанни обод этишга, кўз қорачигидек асраб авайлашга чақиради. Чунки у Ватанни Ватанлиги учун бе-миннат севади! Бу туйғу юракдан вулқондек отилиб чиқади. Уни биз оташин ишқ, туғма севги, бегубор, бокира муҳаббат деб атасак ҳам сира муболага бўлмайди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзган: "Мен билдим, юракдан Ватанни севмоқ - Беланчак осилган толларни ўпиб, чақалоқ кўзига ҳалол термулмоқ..."

Кўҳна толбешикдан

Бошланган олам.

Сенга иddaолар

Қилмай севаман.

Бир куни синглим, деб,

Бир куни онам -

Ватан ,

Кимлигингни

Билмай севаман!...

ЁШЛАР ОРЗУСИДАГИ ШОИР

Ҳамма ижодкор ёшлар у кишидек бўлишга, парвона шамга талпингандек интиларди. Аммо, шоир ҳеч қачон шуҳратга интилмасди. Шунинг учун шону- шуҳрат унинг ортидан юрарди. **Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири, (марҳум) Абдулла Орипов** таъкидлаганидек, "Мен Муҳаммаджон билан узоқ йиллар мобайнида ёнма - ён ишладим. Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст - огайниси бисёр ижодкорни кам кўрганман. Санъаткорлар - ку, унинг ҳар бир мисрасини созга олишга тайёр эдилар. Буларнинг сабаби нимада? Биринчи

навбатда Муҳаммаджон яхши инсон эди. Яхши инсонларга бошқалар ҳамиша талпинадилар". (Шоир ҳаётлигида Абдулла Ориповни устозим дея жуда қаттиқ ҳурмат қилганига шоҳидман).

Бор бисотини боғдаги ҳалол бир капалакка, ҳаётини кўқдаги зилол камалакка алмашишга тайёр эди, у. "Офтобдан ҳам ўзинг меҳри - илигимсан, Ватаним" дея, уни осмонларга шохи тегиб турган чинорга менгзарди. Бу ўлмас сатрлари Ватан деган ҳар бир қалбнинг мулкига ва мадҳиясига айланиб улгурди.

Муҳаммад Юсуф бу жаннатмакон юртнинг ҳар бир нарсасини "бирини биридан юлмай севарди". Ўзбекистон халқ шоири, (марҳум) Ҳалима Худойбердиева ёзганидек, "Мен агар биз сиздан (Муҳаммад Юсуфдан) Ватанни севишни, ёрни севишни, ардоқлашни ўргандик десам, бу сўзимда қилча муболага йўқ... Сиз шундай, атрофингиздаги борки мавжудотни жондан севдингиз, қарқарали, нашъу намоли севдингиз. Ўпай десангиз "пешонаси йўқ қилгалдоқ"дан тортиб, "кўзи тўла ёш жайрон"гача..."

Инсонлар кутган сўз шоирнинг ўтли мисраларида янгради. Оддий сўзлар, бироқ ўткир мисралар билан шоир ўз ўқувчилари қалбига кириб борар ва уни эгалларди. Биз ўша даврдаги талаба- ёшлар (ўтган асрнинг 90 йиллари ўрталаридаги) Муҳаммад аканинг ҳар бир янги шеърини матбуотдан ўқиб ёдлардик, қўшиқларини ҳиргойи қилиб юрардик.

**Қўшиқларим бўлиб овоза,
Юртда машҳур эмишман тоза!
Барча ёзган шеърим бир коса,
Сумалакка алмашаман мен.**

"УМРБОҶИЙ ШЕЪРИЯТ"

Муҳаммад Юсуф- олийжаноб инсон, ажойиб устоз, оташнафас шоир эди. Унинг ўзига хос шеърӣй услуби, ўз дунёси бор эди. Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон халқ шоири бўлишига қарамасдан мақтанишни билмасди. У содда ва меҳнат-

Ҳақш ўзбекнинг чинакам фарзанди эди. Албатта, яхши инсонлар орамизга гўёки бир тушдек келиб кетишади, улар сизу бизнинг эртагимизга айланишади, ибратнамо ривоятлар ана шундай тугилади- да. Улар кўринмай қолишса ахтарамиз, йўқлигини билсак- да қидирамиз, чунки бундай беназир кишиларни ўрни мунтазам билинади. Ҳалима Худойбердиева айтганидек, "бугун ҳам мен баъзан баланд давраларда, улуг халқнинг сайилларида, тантаналарида, оддий кунларида сизнинг (Муҳаммад Юсуфнинг) етишмаётганингизни сезиб қоламан. Ахир ким сиздай мустақилликнинг илк аёзли даврларидаёқ "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон", деб кураш майдонларига туша олган эди. Ким элга, юртга меҳру муҳаббатини шу қадар содда, шу қадар суюкли айта олган эди".

Дастхат қўйиб менга тақдим этган китобларини ўқирканман, юрагим хотиралар уммонига чўмади, бир қалқиб интикади, суҳбатларини қумсайди. Начора тақдирга тан беришдан ўзга илож йўқ. **Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад** (марҳум) ёзганидек, "Муҳаммад Юсуф тез оғизга тушди. Бирорта шоир унингдек тез ном чиқармаган, номдор бўлмаган. Очигини айтсам, Муҳаммадга кўз тегди. Аслини олганда асл шоирлар узоқ яшамайдилар. Аммо, ортидан абадий яшайдиган мерос қолдириб кетадилар. У мана шундай ўлмас мерос қолдирди.

Муҳаммад шеър мухлисларининг юрагини ўртаб кетди. Энди шоирнинг ўзи йўқ. Аммо Муҳаммад Юсуф деб аталмиш шеърят бор. Бу шеърят асло завол топмагай".

Бир сўз билан айтганда, Муҳаммад Юсуф тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйган, эл- юрт дуосини олган бетакрор инсон, Биринчи президентимиз таъбири билан айтганда, марҳум шоир ҳақиқий истеъдод соҳиби эди. Афсуски, шоирнинг умри қисқа бўлди. Муҳаммад Юсуф 2001 йилда Бобур Мирзо ёшида Қорақалпоғистондаги ижодий сафари пайтида вафот этди. Албат-

та инсоннинг қанча яшаганлиги эмас, қандай яшаганлиги муҳим. Муҳаммад Юсуфнинг тугилиб, вояга етиши, баракали ижод қилиб, ўзидан сўнмас маънавий мерос қолдириши учун ана шу қисқа 47 йил кифоя қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид шундай ёзган эди:

Куйлари қолди,
Тоғу тошида.
Ўйлари қолди,
Ой - қуёшида.
Булоқ бошида,
Хирмон бошида,
Ўзбекнинг қора
Кўзи қошида.
Бир шоир кетди,
Бир шоир кетди.
Бобур ёшида,
Бобур ёшида.

Ҳа, бир аср яшаб ҳам ҳеч нарса қила олмаган, бирор оламшумул иш амалга оширолмаганлар, ўзидан из қолдиролмаганлар қанчадан қанча. Аммо, шоирнинг баҳор ҳавосидек ёқимли шоҳ сатрлари асрлар оша яшайверади. Аҳмад Юғнакий ёзганидек, "қисқагина умр кўриб, узоқ яшаб келаётган зотларга қаранг". Устознинг ўзи айтганидек:

Сенсиз ўтар кунлар, ўтади ойлар,
Ҳижрон юрагимга отади ёйлар.
Сен менинг ҳаммадан яширган сирим,
Менинг эртагимсан- сўйламай бўлмас.

Шоирнинг кўплаб шеърларини ўқир эканмиз, у ўлимни гўёки вафотини башорат қилгандек тилга олади. Назира опанинг айтишича, "Муҳаммад аканинг вафотидан сўнг одамлар "шоир ўзининг ўлимини аввалдан билганмикан, шеърлари

Худди башоратга ўхшайди", дейишди. Йўқ, аслида у киши ҳеч қачон ўлим ҳақида гапирмасди. Қайнонам ҳам хавотирланиб, болам, бунақа шеърлар ёзмагин, десалар, она, бу шунчаки шеър, эътибор берманг, деган. Янаям ким билсин, балки кўнглидан ўтганмикин, лекин ҳеч қачон ошкор этмасди...

Муҳаммад аканинг вафотидан сўнг анча пайтгача ўзимга кела олмадим. Саҳро ё денгизнинг ўртасида ёлғиз қолиб кетган боладек ҳис қилдим ўзимни. Тушқунликка тушиб қолгандим...

Ҳаёт эса давом этаркан. Ўша кезларда раҳматли онам ҳаёт эди, менга далда бўлдилар. Фарзандларимнинг борлиги мени яшашга, яна Муҳаммад ака учун ижод қилишга ундади."

**Қўрқаман, эртага мен ўлиб кетсам,
Ётар бўлсам қумга ботиб юзларим.
Кўнглимни кўчқидай босар гам -
Йиглашни ҳам билмас менинг қизларим.**

"БИР ҚЎШИҚ ТАРИХИ..."

Шоир Ургут шаҳрига ижодий сафарга боради. Шеърят кечаси кун ботгунга қадар давом этади. Шундан сўнг Муҳаммад Юсуф белгиланган меҳмонхонага ҳамроҳи билан пою пиёда кетишни ихтиёр айлайди. Ургут кўчаларидан юриб кетаётган Муҳаммад аканинг Озода исмли қиз устида талашаётган икки йигитга кўзи тушади. Униси ҳам, буниси ҳам "Озодани севаман, у меники" дерди жиззаки бўлиб. Шоирнинг эътиборини бу "жанжал томошаси" анча вақтгача тортиб турди. Шундан сўнг ўша даврнинг машҳур қўшиқларидан бири "Озода" дунёга келди. Албатта, Муҳаммад ака ўзи кўрган, гувоҳи бўлган, эшитган ҳар воқеа - ҳодисани қўшиққа айлантириб юборарди.

**Озодани севаман мен, Озодани,
Сулувларнинг сарвари - хонзодани,
Йўлатмасдан ёнига шаббодани,
Озодани севаман мен, Озодани.**

Тог гўзалига бўлган оташин муҳаббат унинг "Озода", "Мен биттадурман", "Нима қилай" каби шеърларида намоён бўлади. "Дейдилар; муҳаббат билмас масофа,..Гоҳи Тошкент, гоҳи Ургутдадирман".

Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова Мустақиллик майдонидаги тантаналар тутагач, Муҳаммад акага юзланиб, "Ўзбекистон, сени ҳеч кимга бермаймиз!" мавзуидаги шеър ёзиб беришни илтимос қилади. Эртанги куни шоир хонанданинг қўлига қораламани тутқизади. У бир қўшиқ бўлдики, эшитган одам жўр бўладиган, ҳиргойи қиладиган, она Ўзбекистон байрогини кўзига суртиб, мағрур кўтариб куйлайдиган. Дарҳақиқат, у жозибали, мафтункор ва қўшиқ бўлди. Шоир ўзбек халқининг дарди тушунарди, шунинг учун у бу илоҳий дардни маромига етказиб ифодалай оларди. Шоир шеърларининг таъсирчанлиги, хушоҳанглиги ва гўзаллиги ҳам ана шундан.

Муҳаммад Юсуф бир гуруҳ санъаткорлар билан навбаҳор палласи тоққа дам олишга чиқади. Шоир эса тоғнинг баҳорий гўзаллигидан, ястаниб ётган лозазордан кўз узолмай, хаёл оламига гарқ бўлади. Хонанда Муҳриддин Холиқов унинг ёнига бориб; "Ҳа, ака нималарни ўйляяпсиз?" деб сўрайди.

У эса жавоб беради; "Муҳриддин қара, анови қизгалдоқ менга тинчлик бермаяпти. Упай десам, пешонаси йўқ, узай десам тўкилиб кетади. Бир шеър ёзсам қўшиқ қиласанми?" Ана шундан сўнг лолақизгалдоқ ҳақидаги бетакрор алёр туғилади, сен шунчалик гўзалсанки, сенга бошқа гуллар душмандир, дейди шоир шеърда. У биргина тоғ лоласи мисолида гулларнинг нафосати- ю латофатини тараннум этади;

Қизгалдоғим, қирдан бўлак кошонанг йўқ,
Кокил ёйсанг, ердан бўлак тошойнанг йўқ,
Ўксиб - ўксиб турганингда ўзим бориб,
Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов Муҳаммад

Юсуфнинг "Кўкламойим" шеърининг ёзилиш тарихини сўзлаб берганди; "Муҳаммад Юсуф Худо берган қобилият эгаси эканлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг "Кўклам" шеъри тўгрисида гап борди. У менинг таърифимдан таъсилланиб кетдим, ичкари хонага кириб кетди - да, 10 - 15 дақиқа ўтгач чиқиб, қўлимга "Кўкламойим" шеърини тутқазди. Уни менга бағишлаганини айтди. Шеърни ўқиб кўзимдан ёш чиқиб кетганди, ўшанда".

**Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор қўйнида сени қўмсаб ўқиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.**

Шоирнинг турмуш ўртоғи Назира ас - Салом Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган учрашувлардан бирида ҳикоя қилганди: "... кунларнинг бирида Нозима дадасини тиззасига ўтириб олибди. Чиқиб тур, деб овозини сал баландлатганда, бунга ўрганмаган қиз бирдан хафа бўлибди. Мен уни олиб чиқаман деб югуриб кирсам, Муҳаммад ака қўлидаги ручкани шартта иккига бўлиб, боласини қучоқлаб олдилар. Қарасам, кўзлари жиққа ёш. Ўша кун Муҳаммад ака ёзмоқчи бўлган шеър эмас, "Узр " деган бошқа шеър дунёга келди":

**Шухратга ўч бўлсам керак мен гумроҳ,
Ёлгон бўлса керак дилда нолам ҳам.
Тўпори байтларим битар байтим гоҳ
Кўзимга кўринмай қолар болам ҳам.**

Шундай шеърлар бўладики, унинг ёзилиш тарихи ўзида ифода топади. "Қизим Маъсудага" номли шеърида шоир қизининг ўғил кўрганлигини, яъни набиралик бўлганлигидан қувончини ичига ситдиролмай сатрларига кўчиради. У қизини оналик бахти билан қутлайди. "Сен билмассан, менга шоҳ Эртақ бўлди Билолинг. Қийналган бу жонимга Тиргак бўлди Билолинг" дейди шоир боболик қувончини туйиб. Албатта, шеър-

да Муҳаммад Юсуфнинг қизларини жонидан- да ортиқ кўрган- лиги яна бир карра аён бўлади. Данагидан мағзи ширин де- ганларидек, набира ҳам бобонинг шодлигию хурсандчилиги- дир.

Она қизим, бошинга
Офтоб бўлсин чамбарак,
Бир ўғилнинг онаси
Бўлганлигинг муборак.

"МИНГТЕПА ҚЎШИГИ"

Тарих китобларидан "Дўкчи эшон қўзғолони" ҳақида ўқиганмиз. 1898 йил 17 майда чор мустамлакачиларига қарши кўтарилган қўзғолон бостирилгач, Дукчи Эшон дорга осила- ди. Шундан сўнг босқинчилар Мингтепани "Марҳамат" деб номлашади. Шоир киндик қони тўкилган маскан ҳақида - "Мингтепа қўшиги" да қуйидагича ёзади;

*Ҳар кимса ҳам от қўйсин ўз узлатига,
Ҳар кимга ўз уйи азиз томи билан.
Зор қилмасин бировнинг "марҳамати"га -
Мингтепани атайлик ўз номи билан.*

Юртимиз истиқлолга эришгач, биринчи президентимиз раҳ- намолигида кўплаб жойларнинг қадимги номи тикланди. Шоир айтмоқчи, Мингтепанинг ҳам кўҳна ва чиройли номи бор. Босқинчилар ўз марҳаматларини кўрсатиш учун ҳам Мингтепани ана шундай "Марҳамат" деб аташди. У тарихий ном тикланишининг тарафдори. Ҳақиқий ватанпарвар Муҳаммад Юсуф эса хитоб билан дейди: "Ҳар келгинди келса, ўзгармасин исмим ...Қўзғолонлар нега бўлди, қўзғолонлар?... Унутми ё бу гўшада оққан қонлар".

Албатта, она диёримиз озодлиги учун қўзғолон кўтарилди. Бир неча қишлоқлар аҳолиси оёққа қалқди. Уларга Дукчи Эшон бошчилик қилди, бадавлат бу инсон мустақиллик учун ҳузур - ҳаловатидан, керак бўлса жонидан кечди. Ахир "бу истибод тузумида

менинг ошигим олчи, яшашим яхши" деб эрк учун курашмасам ҳам бўларди - ку? Чунки унинг чор подшоси даврида ҳам ҳурматию обрўйи чакки эмас эди! Бироқ миллат эрқдан, озодликдан маҳрум этилганди - да. Мустақиллик туйғуси ва унга муҳаббат курашишга чорлади, Дукчи Эшонни!

**Ҳар ким ўзи қўйсин от ўз неъматига,
Мард ястанмас номардларнинг наMATига,
Ҳеч бўлмаса Дукчи Эшон ҳурMATига,
Мингтепани атайлик ўз номи билан.**

ТАБИАТ ШОИРИ

Муҳаммад Юсуф деҳқон боласи бўлгани ёки қишлоқда ўсгани учунми она табиатта меҳру муҳаббати бўлакча эди. Табиатсевар шоир бир умр Қовунчи қишлоғининг бегубор ҳавоси ва гўзал табиатини соғиниб яшади. Ўз тили билан айтганда, "Менинг киндик қоним тўкилган дала, Сени эса кўргим келаверади", дейди у шоирона энтикиб. Унинг шеърларида қишлоққа ва унинг табиатига бўлган шайдолик яққол кўзга ташланади. Шоир шаҳарнинг қаср уйини қишлоқнинг гувалагига алмашишга тайёр. Сизни билмадим, лекин мен учун соф ва мусаффо ҳаволи, гўзал табиатли қишлоқ барибир бошқача. Турсун Али ёзади, "Муҳаммад Юсуф Андижон вилояти Марҳамат туманининг сўлим қишлоғида туғилган. У толлар, тераклар ва турфа дарахтлар билан дўстлашган, капалак, булбул, қалдирғочлар билан ўйнаган, табиатта туганмас меҳр қўйган. Унинг ям-яшил бедапоялар, чексиз далалар, ўт-ўланлар оғушида кечган болалиги, ўсмирлигини эслаш кифоя. У онасининг қучоғида тойчоқдек эркаланган, сингисини жонидек суйган. Ҳар бир юртдошига, қишлоғига, бутун Ўзбекистонига меҳри офтобдек тобланган. Шундан у табиат шоири, эл шоири бўлиб етишган".

Бугунги кунда эса Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қишлоқларимиз, шаҳарларимиз,

бугун мамлакатимиз янада обод ва кўркамлашмоқда ва Ўзбекистон Республикасини 2017- 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимиз энг тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олиш сари отланди. Бугунда қишлоқларимизу шаҳарларимизда замонавий ва арзон уй - жойлар қад ростламоқда, обод маҳалла ва обод қишлоқ бўй кўрсатмоқда! Албатта шоир бундай ўзгаришларни кўрганида эса янада жўшиб, уни шеърга солган бўлармиди?

"Сендан улуг тагин ким бор, бинафша?.."

Муҳаммад Юсуфнинг она табиатга бўлган шайдолиги, айниқса, унинг, ўсимликлар дунёсига, Бинафша, Бойчечак, Райҳон, Ялпиз, Атиргул, Лолақизгалдоққа багишланган шеърларида намоён бўлади, шеърларнинг лирик қаҳрамони болаларча баҳор гуллари билан "дардлашади",

Содиқсан ҳар баҳор унган жойингга,

Юзим сураинми зулфи ёйингга,

Лабим босайинми чўкиб пойингга,

Сендан улуг тагин ким бор, бинафша?...

У бинафшани шу қадар маҳорат билан тасвирлайдики, сиз қир - адирдан бу гулни топиб унга тикилгингиз, "булбулнинг патидан барги мулойим" лигига гувоҳ бўлгингиз, "мўмин жилмайиши" ни кўргингиз келади. Шеърнинг лирик қаҳрамони сизни сеҳрлаб қўйгандек, гўё.

Шоир диққатингизни "кўклардан Худо тўккан" Бинафшага қаратади. Бундан ташқари лирик қаҳрамон унинг ҳар баҳорда кўкарган жойига бўлган садоқатида "ҳикмат" кўради. Албатта унинг бошқа ер эмас, балки ҳар гал ўз жойига, унган заминга, яъни ўз Ватанига бўлган содиқлиги таҳсинга лойиқ эмасми?

Соланасан келинчақдай бошинг эгиб,

Жайрон ўтган сўқмоқларга ёшинг тўкиб,

Қизил юзинг қон дилимга турар тегиб,
Менингдек сен гарибнинг ҳам парвонанг йўқ...

Қаранг, лирик қаҳрамон томонидан қизгалдоққа қаратиб айтилаётган ушбу сатрлар ҳар қандай одамни таъсирлантirmай қўймайди. "Бевафо ёр" - навбаҳорда санокли кунларда яшаб ўтадиган бу гул ўз латофатию малоҳати билан сизу бизга бир дунё завқу шавқ багишлайди. Шоир ана шундай ўсимликлар дунёсига бўлган муҳаббатни қўшиқлар орқали сизу бизнинг қалбимизга "кўчиради". Муҳриддин Холиқов ҳар гал "қизгалдоғим..." дея хониш айлаганда, тўлқинланмаган қўшиқ ихломанди бўлмаса керак. Аслида Ватанни севиш - табиатни, унинг ўсимликлари, лолаю бинафша, бойчечагию ялпизини севишдан бошланади. Шунинг учун Муҳаммад Юсуф унинг ҳар бир гиёҳини ардоқлайди, қаламга олади, кўзига суртади. Дарҳақиқат бу ҳар биримиз учун ибрат оладиган ҳолат эмасми?

*Ётар эдим оёгинга
Бошим қўйиб,
Хуш бўйларинг ҳидлар эдим
Тўйиб - тўйиб...
Булбул бўлсам, бутогиндан
Кетмас эдим.
Ўшиб лаъли дудогиндан
Кетмас эдим.*

"РАЙҲОНГА КЎМИЛГАН ШУ БАҲОР ФАСЛИ"

Кўкламойим, кўкини ёйгач, табиат кўк билан ясангач, унинг гўзаллигига тикилиб ва Райҳоннинг хушбўй ҳидини ҳидлаб тўймайсан, киши. Шоир Райҳон образи орқали ўқувчига бу шифобахш, хўшрўй гиёҳнинг бутун бўй - бастии билан намоён этади. "Райҳонга кўмилган шу баҳор фасли", - дейди у ва кўз ўнгингизда келинчақдек мафтункор - Райҳон образини гавдалантиради. Шоир Райҳон образида юзларини юзига босиб,

Яйрайдиган, йиглаб - йиглаб, дардларини сўзлайдиган, кўнглини тушунадиган "дўст" топади. Бу дўст сизнинг дардларингиздан фориғ этади, ўзининг хушбўй нафаси билан кўнглингиздаги губорларни тарқатиб юборади, сирларингизни бировга айтмайди, гулнинг болалари бўлмиш шоирнинг гул кўнглини у тушунгандек чайқалади ва лирик қаҳрамон кўнглидан гулларга жой ажратади.

***"Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим"
Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,
Кокилига толпоқудан соч илсин,
Бойчечакка борар йўлар очилсин,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.***

Навбаҳорга Муҳаммад Юсуф ўзига хос маҳорат билан таъриф беради: Ҳа у бу фаслни фаслларнинг ҳам боши, ҳам охири, ошиқ - маъшуқлар, шоирлар фасли дейди хитобан. Дарҳақиқат, кўкламойим яйрайдиган, қувонадиган, аламлар арийдиган, кумсаб ва согиниб кутиладиган фаслдир. Бу фаслни шеърнинг лирик қаҳрамони қиш давомида "жон устида асраб келмоқда". У остона ҳатлаб келгач эса лирик қаҳрамон баҳорнинг яшилликларини кўзига суртади. Мана сизга фасллар келинчаги- "ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли" га бўлган шоирона муҳаббат. Албатта кўкламойга шоирдан ўтказиб таъруфи тавсиф бериш мушкул.

***Жон устига асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб - тўйиб кўзга сурай кўкни мен,
Яна сенга етаманми - йўқми мен,
Кўкламойим кўкингдан бер бир чимдим.***

Муҳаммад Юсуф баҳор гулларидан ташбеҳ сифатида фойдаланиши таҳсинга сазовор. Энг муҳими ҳеч ким унга "Севги бамисоли лолақизгалдоқ, Тегинмай бўлмайди, Тегсанг тўкилар" демаган. Муҳаммад Юсуф номли шеърятнинг ўзига хослиги шундаки, унда ҳеч кимникига ўхшамаган, ўхшашга

Ҳам интилмаган ўз сўзи, ўз овози, ўз лирикасига эга оҳанграбони учратасиз ва куйлаб ёзилган шеърлардан "суюнтирадиган, дардлашадиган, йиглатадиган" абадий ҳамроҳ топасиз.

Шоир шеърларини ўқир эканмиз, у, нафақат, сизу бизнинг диққат-эътиборимизни она табиатга, яъни гулларга қаратади, балки у ўсимлик дунёсини асраб-авайлашга даъват этади. "Менинг отам оқтерак, Менинг онам - мажнунтол...Менинг опам ялпиздир, Синглим лола - қон багир" - деб ёзади шеърнинг лирик қаҳрамони куюнчаклик билан. Аслини олганда, табиатда ўсимлик турларининг ортиқча ёки кераксизи йўқ, ҳар бирининг фойдали жиҳатлари, ўз ўрни ва аҳамияти бор. Лўнда қилиб айтганда, ўсимликлар дунёси сизу бизнинг ҳаёт манбаимиз.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз флорасида юксак ўсимликларнинг 4500 дан ортиқ тури мавжуд. Ана шу ўсимликлардан 1000 га яқини асал - шира берувчи, 600 дан ортиги дори - дармон, 650 таси эфир мойли, 530 бўёқбоп, 420 ошловчи, 350 озиқ - овқат бўладиган, 270 манзарали ҳамда 100 га яқини сапонин моддалари сақлайдиган турлар эканлиги аниқланган.

Кўкламда қиру-адирларимиз гули чечакка бурканади. Ана шундай чоғда табиат қўйнига дам олишга шошилаемиз. Аммо орамизда "бағри қон" қизгалдоқни, чучмомани беаёв узиб, ҳатто идизигача суғириб оладиганлар ҳам топилади. Оёқларимиз остида кўплаб ўт - ўланларни босиб, янчиб ўсимликларга озор берамиз ва бу билан табиат мувозанатига путур етказамиз.

Азиз ўқувчи, сизу биз ақлли мавжудотмиз. Айтмоқчиманки, яшиллик оламига асло озор етказмаслигимиз, ҳар бир гиёҳни кўз қорачигидек асрашимиз айни муддаодир. Она табиатга қилинган ситам алалоқибатда ўзимизга қилинган жабр эканлигини зинҳор базинҳор унутмайлик. Албатта, Муҳаммад Юсуф айтганидек, она

табиат гўзалликлари ва яшилликларига тўйиб- тўйиб тикилиб, бир олам баҳра олиб, уни "жон устида" асраб авайлаб яшайлик!

"ТУНДА ҚУШЛАР ЙИРЛАСА КЕРАК "

Шоир турна, қалдиргоч, қарга, булбул каби қушларга бағишланган шеърларида ҳам қушлар дунёси билан "тиллашди". "Қуш эмас, хуллас калом, - дейди шоир, - Бирингиз бобом, бирингиз момом, Жонлари жаннатни кўзлаб кетаётир турналар!.." Кўриниб турибдики, Муҳаммад Юсуф бу иборалар билан халқ орасида кенг тарқалган инсон вафот этгач руҳи қушларга кўчармиш каби афсоналарга ургу беради.

Шоир "меҳр - оқибат, ширин калом сўраб, Кўзга кўринмай олислаб" кетаётган турналар ҳаётини айрим нопок, оқибатсиз, бўйнигача гуноҳга ботган инсонлар ҳаёти билан таққослайди. У қушларнинг ҳар бир ҳатти- ҳаракатидан ўзига хос ечим излайди. Филология фанлари доктори Нўъмонжон Раҳимжонов ёзади; "...Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф лирикасидаги биргина Қуш образини кўздан кечириш мароқли. Бу образнинг шоир ижодидаги устуворлиги шундаки, у шоир шеърларининг салмоғи, теранлигини белгилаш билан бирга, ижодининг бадий - эстетик тароватини кўз - кўз этади. Хусусан, "Қушлар ҳам йиглар", "Руҳ тўтиси", "Кузда кетган турна қайтгандек баҳор", "Кўкламойим", "Тунда шеър айтишдик капалак билан", "Қалдиргоч", "Атиргулдан юмалади капалак", "Жонимдан жон қолмас...", "Булбул", "Йиллар ҳам кўчманчи қалдиргочлардек", "Чўлоқ турна" каби шеърларида оққуш, чумчуқ, қалдиргоч, булбул, турна, бургут образлари яхлит мужассамлашган ҳолда Қуш тимсолини намоён этади".

Шоирнинг "Қушлар ҳам йиглар" шеъри сизни ўйлашга, мушоҳада этишга чорлайди. Наҳотки одамлар ўз манфаати учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ўз фойдаси учун "тирик" теракни арралаб йиқитишди. У қуримаган, ҳали ҳаёт эди. Ана

шунда лирик қаҳрамон: "Ака, бизнинг қилмишимиздан тунда қушлар йигласа керак" деб фигон чекади. Ҳеч нарса бўлмагандай теракни майдалаб аравага ортиб кетаверишади. Аммо, "Она чумчуқ айланиб кетмас, Кўнглига қил сигмаса керак. Эски индан ташиб бориб хас, Янги инда йигласа керак". Аслида қилган қилгилигидан теракнинг бешафқат "қотили" йиглаши керак эди. Лекин у бағритош, унда юрак ҳам, кўз ёш ҳам йўқ.

Дарахтлар, ўсимликлар сизу бизга карбонат ангидрид газини ютиб, кислород етказиб бераётгани айтилиши ҳақиқат, албатта сизу - биз ва ҳаёт ана шу «мўъжиза»га боғлиқлиги барчамизга маълум. Шунинг учун шоир билан шеърлар она табиатни асранг, демоқчи. Улуг аллома Абу Райҳон Беруний ёзганидек, "Агар инсонлар табиатга нисбатан зўравонлик қилиб, унинг қонунларини қўполлик билан бузсалар, бир кун келиб, табиат уларнинг бошига шундай кунларни солиши мумкин, буни ҳеч қандай куч қайтаролмайди".

Гуссанг менинг гуссамдир,
Айвонимда яшайсан.
Қараб турсам, сен ҳам бир,
Дардли қушга ўхшайсан.
Кўнглингда не саволинг,
Нега айтмай йиглайсан?..
Сўра, сўра қалдирғоч,
Кўзи қора қалдирғоч.

Баҳор элчиси қалдирғоч хонадонимиз ёки ишхонамизнинг айвон пештоқида лойдан уя қурганини ҳаммамиз кўрганмиз. Гўёки, бу қуш ўзи учун тинч хонадонни макон тутармиш, қалдирғоч келган оилага қути барака ҳам энармиш. "Сўйла қушим нолангни, Уйингда дон - дун йўқми?" дейди қалдирғочга хитобан шоир ва у болаларига ризқу-насиба териб тинчимайдиган "жонивор"ни меҳнаткашлигини, мўминлигини алқайди. Қалдирғоч тимсоли ҳам

Шоир ҳолатининг, ўзига хос қарашларининг рамзий ифодасидир. Ижодкор қушлар образи орқали маънавий- ахлоқий "дарду - ҳасратларни» ҳам тўкиб соляпти, кўпчиликни ана шундай "фаришта қушлар" дан ўрнак олишга чақиряпти. Профессор Нўъмонжон Раҳимжонов таъбири билан айтганда, "Шоир шеърларидаги тўти, бургут, қумри, чумчуқ, булбул, қалдирғоч - барча- барчаси Қуш тимсолининг серқирра маъно қатламларини акс эттиради. Яна шоир лирикасининг образлар тизимини белгилайди. Агар эътибор берсак, улар ҳар бир шеърда маънавий- ахлоқий мазмунни ифодалаш баробарида лирик қаҳрамон ҳолати ва кайфиятини, ўйлари ва кечинмаларини англатаётир. Шу тариқа, муаллифнинг воқеликка, жамият ҳаётининг у ёки бу кўринишига, муайян ҳолатига нисбатан эстетик позициясини ифодалаяпти".

Балад шоҳга осилиб қолди,

Бир оёғи кириб новдага.

Кун бўйи силтаниб тойди ҳолидан,

Қийин, қийин бўлди ушоқ гавдага.

Бизлар томошабин,

Қарга азобда.

Тўлганар тўкилар кўзларидан чўғ.

Ундай қил, бундай қил деб ўргатамиз,

Дарахтга чиққани бир ёш бола йўғ.

Муаллифнинг тасвирашича, бўлиб ўтган воқеа шундай: Қарганинг оёғи новдага кириб, дарахтнинг учига осилиб азоб чекади. Утган кетганлар ёрдам беришни истайдию, аммо журъат топилмайди. Таниқли олимнинг ҳам, манаман деган раҳбарнинг ҳам, шоирнинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди. Бироқ қарга бечоранинг жонига оро киргани чаққон ва эпчил ёш бола топилмайди- да! Бир бобой ўзида катта кучу- гайрат топдими, чинорни силкитишга тушиб кетди. Аммо, қанийди забардаст чинор силкина қолса?! Минг афсуски, қушга ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Қарганинг кулфатига томошабин

бўлганлар эса битта - битта уйига тарқалиб кетади. Қарга эса минг дийдиё- ю, илтижо билан баланд шоҳда "ҳўнграб" қолиб кетаверди.

Тонгда чопиб чиқдим.

Дарахт жойида.

Шох бор,

Шоҳда қарга йўқ эди аммо.

Бошга кулфат тушган кунда шеригин

Ташлаб кетмас экан қузгунлар ҳатто.

Шеърнинг якунига разм солсангиз, шоир айтмоқчи бўлган "ҳикмат" намоен бўлади. Қузгунлар, чумолилар, йиртқичлар ҳам ўз ҳамроҳини, яқинини, қавмини ҳар қандай вазиятда ташлаб кетмайди. Ўзимизда буни "султон суягини хўрламас" ибораси билан ифодалашади. Гап яна садоқат, дўстлик, меҳр-оқибат ҳақида кетаяпти. Ҳа, азиз ўқувчи бир - бирини қўллаш-ни, ёрдам беришни, "ташлаб кетмасликни" қарғалардан ўрган-сак арзийди. Шоир бу шеъри орқали айрим кимсаларга сабоқ бермоқда.

Бир оёқда чопиб келдинг,

Чўлоқ турна.

Уйим қайда топиб келдинг,

Чўлоқ турна?

Лирик қаҳрамон "бор экан - да, пешонада...бу кўргулик" деб дарддоши Турнани юпатгандай бўлади. У ўзининг ҳам худди қушникидек бошига кулфат тушганига, турнанинг оёгини нишонга олишган бўлса, лирик қаҳрамоннинг қоқ юрагига тош отилганига ишора қилади. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, яъни улар бир - бирини таржимонсиз тушунади, иккаласи дард тилида ака - укалардек сўзлашади.

Муаллиф "Чўлоқ турна" образи орқали одамларни ёмонлик, ёввузлик, ваҳшийликдан қайтариб, қушларни асрашга даъват этмоқда. Хуллас, филология фанлар доктори Нўъмонжон Ра-

Ҳимжонов ибораси билан айтганда, "...Қуш образи шоир лирикасида, аввало кўнгил ҳуррияти, фикр ва туйғу эркинлиги тимсолидир".

Қушларнинг теварак - атрофимиздаги аҳамияти беқиёс. Чунки қушлар зарарқунанда ҳашаротлар ва кемирувчиларни табиатда кўпайиб кетишининг олдини олади. Мабодо бундай зарарқунандалар кундалик ҳаётимизда кўпайиб кетса, унинг, кони зарар эканлиги барчамизга маълум. Қушлар мева ва уруғлар билан озикланиб, ўсимликларнинг тарқалишига ҳам ёрдам беради. Нектарчи қушлар эса гулларни чанглатади.

Қушларни муҳофаза қилиш - уларни безовта қилмаслик ва уясини бузмасликдан иборат. Бу эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

"МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР".

Устознинг шеърларини ўқий бошласам, юрагим тилга киради, чунки бундай бебаҳо сатрларни тўлқинланмасдан, ҳис - ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди - да. Бундан ташқари Муҳаммад Юсуфнинг шеърларида у кишининг чуқур билим, кенг дунёқараш ва юксак тафаккурга эга бўлганлиги кўзга ташланади. Қайси бир шеърини олманг, унда шоирнинг илму маърифати бўртиб туради. Албатта, шоир туғма истеъдод соҳиби ва шу билан бирга билимдон бўлсагина, ўқувчиларини ҳайратлантира олади. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун, бунга унинг "Ватаним" шеърини мисол қилиб келтираман. Унда шоирнинг жонажон юрти тарихини "сувдек ичгани" яққол намоён бўлади. Бу эса шеърнинг таъсирчанлигини янада оширган - да.

Сен Хўжандсан, Чингизларга

Дарвозасин очмаган, Темур Малик орқасидан

Сирдарёга сакраган, Муқаннасан қорачиги

Оловларга сачраган, Широқларни кўрган чўпон

Чўлигимсан, Ватаним.

Чунончи, шеърият ҳам тарбиянинг бир воситасидир. Муҳаммад Юсуфнинг "Меҳр қолур, муҳаббат қолур" шеъридан таъсирланиб яхшилик кўчасига кирганлар, бу ўткинчи дунёда яшаш мазмун - моҳиятини англаганлар қанчадан қанча!

*Утар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар кўз ёши - сомони,
Утар инсон яхши - ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.*

Шоир айтмоқчи, молу - дунё, бойлик ёки мартаба эмас, балки сиз- у биздан меҳр - оқибат, эзгулик қолади, холос. Тириклик - ганимат. Албатта, Муҳаммад Юсуфдан бир дунё яхшиликни ўзида жамлаган - жилвакор шеърият қолди. Унинг жўзибаси шундаки, бу шеърият - маънавий хазинадир. Қолаверса, шоирнинг ўзи ҳам "Шеър ёзиш ҳам ўзинг билмай бировга яхшилик қилиш" дейди.

"КАПАЛАКЛАР ОДАМЛАРДАН МЕҲРИБОН."

Шоирнинг "Капалак" номли шеърини ўқирканман, капалаклар ортида қолган болалигим эсимга тушади. Мўъжизанинг ўзгинаси бўлган бу гўзал, беозор мавжудотлар бор - йўғи саккиз соат яшайди, холос. Аммо, гўзаллик манбаи - гуллар ҳаётида уларнинг ўз ўрни бор. Шунингдек, чиройли капалакларни кўрсангиз ҳам баҳри дилингиз очилади. Шоирнинг "Капалак" шеърида у одамлар ҳаёти билан таққосланади;

*Гулга қўнса, қанотлари ботмайди,
Ожизларим бировга тош отмайди,
Бир кун яшар, бир - бирларин сотмайди,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...*

Шоир бу назмида меҳр - оқибат мавзусини ҳар доим долзарблиги учун "кун тартибига" қўймоқда. Албатта, меҳр- оқибат, аҳиллик, диёнат, садоқатда ҳикмат кўп. Муҳаммад Юсуф капа-

лак образида бу мавжудот яшаш тарзини кишиларга ибрат намунаси қилиб маҳорат билан кўрсата олди. Ҳар тўрт мисра охирида шоир капалакнинг одамлардан меҳрибонроқ эканлиги аён ургу беради ва олтин сатрлар онгингизга ўрнаша бошлайди.

Унинг на кулбаси, на уйи бор. Ҳатто камбагали ва бойи йўқ. Одамлардек яхши - ёмонга, кучли - ожизга, керакли - кераксизга, баобрў - обрўсизга ажратмайди. "Бахтсиз бўлса, бари бахтсиз бир йўла". "Севаман, деб алдамайди капалак!..."

Унинг Каъбаси - ҳур, бепоён дала, - дейди шоир. Аммо бу далада меҳр тўла, нур тўла. Капалакка дангиллама ҳовли ёки қаср керак эмас. Арзимаган саккиз соатлик умрида "ҳур далада" яйраб яшаса, шунинг ўзи кифоя.

**Муҳаммадга ишонган эй, мўминлар,
Улсам сўзим эслаб, ўйга чўминлар,
Капалакнинг қанотига кўминлар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...**

Ақлли одам ўзи учун ҳар бир нарсадан ибрат ва сабоқ излайди. Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё. Шунинг учун Муҳаммад Юсуф бу билан одамзод диққат-эътиборини капалакка қаратибгина қолмай, янада чуқурроқ ўйлашга даъват этади.

Албатта, ўйлаб иш кўрилса, етти ўлчаб бир кесилса, ҳар бир қадам билиб босилса, бировга ёмонлик қилинмаса, ҳеч кимнинг кўнглига огир ботадиган сўз айтилмаса, фақат ва яна фақат яхшилиқ қилинса, балки бизнинг "меҳрибонроқ" фаришта капалақдан фарқимиз бўлмасмиди?!

МУҲАММАД ЮСУФ - ЯХШИ КИТОБ

Ҳа, Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир шеъри устида соатлаб мулоҳаза юритиш мумкин. Муҳаммад аканинг шеърлари жонувдилсим. Чунки унинг ҳеч бир шеърида сохталик, зўрма-зўракилик, бачканалик кўзга ташланмайди, Муҳаммад Юсуф шеърларини бир сўз билан изоҳлаганда, чинакамига яйраб ўқий-

диган шеърлар деб айта оламан. Демокчиманки, шоирнинг китобларини варақлаган, кўз югуртирган, ўқиган сари кўнглим очилади, яна қайта - қайта ўқигим келади. Абдулла Қодирининг "Меҳробдан чаён" асарида бир эпизод бор, асар қаҳрамонидан у қандай китоб дейишса, "Фузулий - яхши китоб" дея жавоб беради. Менинг учун ҳам Муҳаммад Юсуфнинг китоби - энг яхши, азиз ва жозибадор асар ҳисобланади. Бу асарлар ҳеч қачон эскирмайди, оҳори тўкилмайди, ранги ҳам саргаймайди. Чунки, у Ватан рангидан, унда абадиятга даҳлдор мавзулар қаламга олинган - да!

"МУҲАММАД ЮСУФДАН ЮҚҚАНДА!"

Азиз ўқувчи, Файбулла ас - Салом ва Муҳаммад Юсуф ҳақида кўп эшитгансиз. Қайси бирингиз биларсиз, кимдир эса билмас. Бу икки улут инсон бир - бирига ким бўлади деб ўйлаётгандирсиз. Унда эшитинг: бу икки ажойиб зиёли инсонлардан бири Файбулла ас - Салом - қайнота, юрагингизни ўз шеърлари билан забт этган Муҳаммад Юсуф эса у кишига куёв бўлади. Аммо улар ўртасида муносабат ҳақиқий ота - боланикидек эди.

Ўзбек таржима назариясининг отаси, йирик олим, фан доктори, профессор, ҳақиқий ватанпарвар Файбулла ас - Салом ёши олтмишни қоралаб қолганда, қўққисдан шеърлар ёза бошлади. Сайди Умиров "Солланиб оқаётган дарё" китобида бу ҳолни қуйидагича ифодалайди: "Анчадан бери мақоласини кутаётган мўътабар рўзномага бир туркум шеър кўтариб борди. Ўқиб кўришса - бинойидек. Икки - учтасини танлаб расми билан бериб юборишди. Таъсирот, таассуротлар турлича бўлди.

Тенгқур, дўст, жўралари: "Нима бало, қариганда бирортасини яхши кўриб қолганми?" - дейишса, уни ёқтирмовчи баъзи бировлар; "Бир қилмаган иши шу қолувди ўзи", - дедилар. Назм оламини кузатиб борувчи синчков заршунослар эса; "Шогирди Тилак Жўра, куёви Муҳаммад Юсуфдан юққан - да", - де

дилар. Қуйида ўқиб кўринг, шеъри бинойидек;
Булбул сайрамаса, ўз "чуғуринда",
Сумбул жилаймаса ўз йўруғунда,
Фарзад сўзамаса она тилинда,
Гўдак йиғламаса она тилинда,
Бошингдан "ҳув" этиб учади ҳуш,
Ўз тилинда ҳатто кўролмасанг туш...
Яшамоқнинг борми маъноси?

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, филология фанлари доктори Файбулла Саломов (тахаллуси: Файбулла ас- Салом) 1932 йил 12 декабрда Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. 1956 йилда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. 1956- 2003 йилларда "Фан ва турмуш" журнали, «Ўзбекистон Энциклопедияси» нашриёти, Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти, Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида турли лавозимларда фаолият юритган ҳамда ёшларга сабоқ берган. 2000 йил 31 январда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Файбулла ас- Салом "Мақол ва идиомалар таржимаси" (1961), "Тил ва таржима" (1966), "Таржима назариясига кириш" (1978), "Дўстлик кўприклари" (1970, Н.Комилов билан ҳамкорликда), "Адабий анъана ва бадий таржима" (1980), "Таржима назарияси асослари" (1983) каби илмий- назарий асарлар ёзган. Мустақиллик йилларида алломанинг "Эй, умри азиз", "Армон", "Ваҳийдан келар бир садо", "Толибнома", "Эзгуликка чоғлан, одамзод", "Ҳаломлик бозорда сотилмайди", шунингдек, "Жаҳонгашта "Бобурнома" (Н.Отажонов билан ҳаммуаллифликда) сингари маънавий ва маърифат, тарих ва маданият масалаларига оид китоблари нашр этилган.

"КЕЧИККАН ШОИРИНГ, ҚАБУЛ ЭТ, ЭЛИМ"

"Олтамишга кирганда шоирлик даъво қилиб қаёққа борардим, дерди ҳазил аралаш шоир Муҳаммад Юсуфнинг қайнотаси, раҳматли Файбулла ака, - Бизники бир изҳори дил. Баъзан туйғулар жўшиб, руҳий безовталиқ тинч бермай, эҳтирослар, изтироблар оқимини жиловлаш қийин бўлган онларда беихтиёр шеър ёзганини билмай қолар экансан". Унинг шеър ёзишига туртки бўлган сабаблардан бири, атрофида ва оиласида шоиру шоирларнинг кўпчилигидан бўлган бўлса не ажаб. Қизи Муҳаммад Юсуфнинг турмуш ўртоғи Назира ас - Салом шоира. Куёвининг шеърларини эшитган ҳар қандай кишининг эса шеър ёзгиси келиб кетади. Бу бор гап. Аммо, ундай юракка етказиб ёзиш эса қийин иш. Муҳаммад Юсуфда Худо юқтирган тугма истеъдод бор эди! Шунинг учун ҳар бир сатри сизни беихтиёр ўз оғушига тортади.

Сайди Умировнинг ёзишича, ҳар бир инсон табиатан шоир, ижодкор бўлади. Лекин кўпчиликда фавқулодда зарб, силкиниш бўлмаса, бу истеъдод гунча ёзмай, рўёбга чиқмай, "шеър ўзида" - қолиб кетади. Сўз ва дард билан ошно одам руҳий портлаш натижасида шоир бўлиб қолиши ажаб эмас... Тўғри Файбулла аканинг баъзи шеърларида фикр палласи туйғу палласини босиб кетгани сезилиб, муаллифи олим экани билиниб қолади, лекин ҳеч бир шеъри, сатрлари кишини бефарқ, лоқайд қолдирмайди. "Кечиккан шоиринг, қабул эт, элим, Дардинга суқланиб бўлойин малҳам", - дейди у бир байтида.

"НЕГА ИНСОНЛАР МИНГ ЙИЛ ЯШАМАЙДИ?"

Ўзини "панадаги фақир одам" дея ҳисоблаган Файбулла ас - Салом ёзган, ўтирган, таҳрир қилган, тартиб берган мақола, китоблари тахланса, бўйи баробар келарди, деган гапда сира ҳам муболага йўқ. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг қайнотаси бўлмиш Файбулла ас - Салом ҳам куёвидек содда, ҳокисор, меҳрибон, бағрикенг ва салоҳиятли инсон эди.

Одамшунос(уни шундай аташарди) бу инсон "Нега инсонлар минг йил яшамайди?" номли мақоласида ёзади; "Билган биларди, билмаган билмайди...Менимча, одамлар ҳамма вақт ҳам ўзига "ажратилган" умрни яшамайди. Минг хил табиий офатлар: зилзила, сел, тошқин, қурғоқчилик, вулқон сингари "ноинсоний" фалокатлар ўз йўлига. Кўпинча одамни одам ўлдиради. "Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин", дейдилар. Менга қолса мазкур мақолни миқёсини кенгайтириб, "Одамни одам қиладиган ҳам одам, адоий тамом қиладиган ҳам одам", деган бўлардим". Донишманд бу инсон билан мулоқотда бўлсангиз, суҳбатига тўймасдан, яна ва яна у билан гаплашиш иштиёқида яшашингизга тўғри келарди.

"ЎЗБЕК ОТАСИ ТИМСОЛИ"

Шоирнинг қайнотаси Файбулла ака чинакам ўзбек отаси тимсоли эди. Бу юзидан нур ёғилиб турган отахон тириклик пайтида қаерга бормасин, маҳалла кўй ёки бирор бир учрашувгами, ёшлар унинг атрофида гирди капалак эди. Сайди Умировнинг ёзишига, "У доим одамлар орасида эди. У одамларга, одамлар эса кўпроқ унга талпинарди, кўнгил кўнгилдан сув ичади... Касалхонада ётганида уни сўраб борувчиларнинг кети узулмасди, гарчанд, кўпинча ҳузурига қўйишмаса ҳам. Уйига ҳам тинмай одам келиб турарди. Турмуш ўртоғи Шаҳрибону опа("менинг суткасига 24 соат қарайдиган, маош олмайдиган, беминнат бош шифокорим, - дерди Файбулла ака ҳазил аралаш) домла чарчаб қолмасмиканлар дея жиндак хавотирга ҳам борарди, лекин яхши сўз, нурли юз ҳамдам, малҳам, жон озиғи эканлигини билиб, индамасди". Суҳбатижон бу инсоннинг мулоқотларида куёви ҳам бўлиб турарди. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ёзганидек, "Муҳаммад Юсуф омадди йигит эди. Файбуллоҳ ас - Саломдай забардаст олим, улуг бир инсон хонадонига куёв бўлишида мен катта

бир хислат кўраман. Улар руҳан бир - бирларига жуда яқин инсонлар эди. Парвона нурга интилади. Муҳаммад жон Гайбулла акага куёв эмас, ўғил бўлди. Улар бир - бирларининг камини тўлдириб, бир - бирларидан куч олиб яшадилар". Халқимиз бежизга куёв ва қайнотанинг тупроги бир ердан олинади, деб айтмайди. Назира ас - Салом ҳам отаси ва турмуш ўртоғининг ўхшаш томонларини қайд этади; "Муҳаммад аканинг феъл - атворидаги баъзи хусусиятлар раҳматли отам - Гайбулла ас - Саломга жудаям ўхшаб кетарди. У киши ҳам отам сингари ўта тўғрисўз, содда, ҳалол, виждонли одам эдилар. Ҳеч қачон бировдан бирор нарса таъма қилмаган, дабдабани суймайдиган, оддийлик тарафдори, самимий инсон бўлиб ўтди. Багрикенглик шу даражада эдики, танишми - нотанишми, ҳаммага қўлидан келгунча яхшилик қилишга уринарди. Кўчага чиқсалар, кексаю ёш билан бирдек саломлашиб, кўнглини олишга ҳаракат қилардилар. Ҳатто ёш болалар билан футбол ҳам ўйнаб кетаверарди. Республикамининг турли вилоятларидан келган ижодкор ёшлар, талабаларга ёрдам берарди. У кишининг қўни қўшнилари билан аҳил иноқлигини айтмайсизми..."

Бундан ташқари, ушбу икки улуғ инсоннинг тақдири ҳам бир - бирига ўхшаб кетади. Гайбуллоҳ ас - Саломнинг ҳам ўзи учун кадрдон ТошДУ минбарида олий даргоҳнинг Ўзбекистон Миллий Университети дея эълон қилинганидан қувонганида кучли ҳаяжондан жони узилган бўлса, бир ярим йил ўтар ўтмас Муҳаммад Юсуф ҳам Эликқаблада шеър ўқиётди, ҳушидан кетади, маълум муддат ўтгач эса вафот этади.

Бу икки инсон ҳам бугун орамизда йўқ. Аммо улар халқимиз хотирасида абадий яшаб қолади. Чунки қуёш нурлари кўрраи заминни ёритганидек, эзгулик ҳам кўнгиллارга ёруклик таратади.

"МИЛЛАТ - БАШАРИЯТ ГУЛТОЖИ"

Файбулла ас - Салом билан суҳбат, яъни "Фидокор" газетаси учун олинган интервью "Ўзбекистон" нашриётида 2000 йилда нашр этилган "Огоҳлик ва фидокорлик - мамлакатимиз равнақи калитидир" тўпламидан ўрин олган (Мен ушбу мажмуани тузиб, нашрга тайёрлаганман). Эътиборингизга ушбу суҳбатни ҳавола қиламан;

"Зоҳиран вазмин, хотиржам, ботинан эҳтиросли, куюнчак, сўз ва дард муҳиби бўлган Устоз Файбулла ас - Салом қаламига мансуб ҳамда у киши таҳрир қилган, тартиб берган китоблар юқорида таъкидлаганимиздек, таҳланса бўйи баробар келарди. Адиб - олим ижоди мустақиллик йилларида, айниқса сермахсул бўлди. Қисқа вақт ичида чоп этилган 6 та асари бундан аввал нашр этилган 30 дан ортиқ китобларининг мантиқий давомидир. Марҳум олим, адиб, устоз Файбулла ас - Салом билан 1999 йили, яъни ҳаётлик чоғида истиқлол шукуҳи, унинг дилларга берган улуг неъматини ҳақида суҳбатлашган эдик.

--- Мустақиллик айёми арафасида одамнинг кўнглидан кўп нарсалар ўтиши табиий. Зеро, бу кунларга етиш халқимизга осон бўлмади. Ушбу дамларда кўнглингиздан қандай армонлар ва орзулар кечаётир?

--- Етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида собиқ совет давлати таркибида тутқун ҳолатда яшадик. Озод бўлмаган миллат қулликка маҳкум. Собиқ иттифоқ парчаланишдан ҳадиксираб, юзлаб миллатларни "темир панжара" да сақлаб келди. Зулмга, қўрқув, таҳлика ва ёлгон гоёларга асосланган бу салтанатнинг умри қисқа бўлди.

Собиқ иттифоқнинг тарқалиб, кетишини ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Кимлардир буни чет давлатларнинг жосуслари гарданига ағдаришади. Аслида бу тарих тақозоси. Тарихга бир назар ташланг; қанчадан қанча гуркираб турган империялар маълум муддат ўтиб, саҳнадан тушиб кетди. Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Наполеон тузган салтанатлар қандай

қудратли эди. Эҳ - ҳе, бунга тарихда қанчадан қанча мисоллар бор. Парчаланиш қонунияти шундайки, салтанатлар ҳам мисоли тирик мавжудотлар каби тугилади, ўсади ва бир кун келиб ўлимга юз буради. Ўзимни донишманд кўрсатмоқчи эмасман - у, лекин бир кунмас бир кун келиб, бу иттифоқнинг емирилишига ишонардим. Гарчи, у абадиятта, коммунизм қуришга даъвогар бўлса - да, ҳаммаси пуч бўлиб чиқди. Нимагаки, барчаси аддов ва ёлгон эди. Коммунистик гоя даҳоларининг фаразини қаранг, тиллар йўқолиб кетиб, қандайдир мавҳум умумтил пайдо бўлармиш. Ахир миллат йўқ жойда халқ бўлмайди, маданият бўлмайди. Миллат - башарият гултожи!

Ниҳоят, мустақил бўлиб, мустақилликнинг барча атрибутларига эга бўлдик. Ўз байрогимиз, ўз қўшинимиз, ўз чегараларимиз, ўз пулимиз, боринги ўз давлатимизни яратдик. Буларни барпо этиш айтишга осон. Лекин бунча харажат, бунча ташвишлар, албатта, ширин ташвишларни унча - мунча давлат уdda қилолмайди. Яна ўзимча мулоҳаза қиламан, йўқ, бизга ота - боболаримиздан бойлик хазиналари эмас, балки юксак тафаккур, маънавият хазинаси мерос қолди. Ушбу хазина туфайли, теран ақл - идрок, иймон - диёнат туфайли юртимиз обод бўлаётир.

--- **Мустақиллик, аввало, ўзликни англаш демақдир. Сиз зиёли бир инсон сифатида ўзингиз ҳақида қайгурганмисиз?**

--- Мустақиллик берилмайди, мустақиллик олинади. Ким ўзининг қўл остидаги ўзбекка ўхшаган мўмин, итоаттўй, нима деса, "хўп бўлади, бажарамиз" деб турган одамларни қўлидан чиқаради. Бир ёқдан лак - лак бойлик оқиб турса - ю, устига - устак "боқимандасан" деб писанда қилишларига нима дейсиз? Бир воқеани айтсам ишонмассиз. Йигирма йиллар аввал Москвадан қайтаётиб, уйга бориб яна бозорга чиқиб овора бўламанми, яхшиси Москвадан бозор қилиб кета қолай, деган ниятда Дўконга кирдим. Дўкондан бир қўй сонини сотиб олдим. Ҳа, энди ўзбекчилик - да. Хуллас, яна ул - бул харид қилдим. Аэро-

портга келиб, самолётта чиқаётганимда аэропорт ходимаси
нарсаларимни титкилаб кўрди. Бир пайт ҳалиги гўштга кўзи
тушиб, шунақа бир шаллақилик қилдики, кўяверасиз. Энди
самолёт Ўзбекистонимизники, бир ёқда ҳамюртлар... Сизга
айтсам, роса изза бўлдим. Уни ташлаб кетаверишга ҳам рози
эдим. Аммо алам қиладиган жойи, дўконда сотиляпти, ўз пу-
лимга олганман. Хуллас, дилим сиёҳ бўлди. Уйга келдим. Ишон-
сангиз, қўй сонини майдалаётган пайтда разм солиб қарасам,
бир чеккасида "Тошкент гўшт комбинати" деган ёзув муҳр ту-
рибди. Шундай алам қилдики, харидимни яна Москвага қайта-
риб олиб бориб, ҳалиги аёлга буни " менинг ўзимдан тортиб
келган экансан. Мен ўзимнинг нарсамни олиб кетаётган экан-
ман", дегим келди. Бу, албатта, ўта жайдари бир мисол. Гўшт
нима бўпти, бутун бойликларимиз - олтинми, пахтами, урани,
мрамарми, мева - чеваларми, ҳамма - ҳаммасини карнай - сур-
найлар билан вагонга ортиб жўнатганмиз. Худога минг қатла
шукр, алдов ва фирибга асосланган тузумдан халос бўлдик.

--- Утган йиллар мобайнида мамлакатимиз ҳаётида жуда
катта ўзгаришлар юз берди. Шу тўғрида сизнинг фикрин-
гизни билмоқчи эдик.

--- Мустақиллик бизга, аввало, эркин фикрлашни ўргатди.
Эркинлик ҳар ким хоҳлаган гапни гапираверади, ҳар ким хоҳ-
лаган ишни қилаверади, дегани эмас. Ҳаммаси қонун доира-
сида, меъёрлар чегарасида бўлиши керак. Бизда минг йиллар-
дан буён қон - қонимизга сингдирилган каттага ҳурмат, ки-
чикка иззат каби анъаналар мавжуд. Бизда андиша, одоб - ҳаё
тушунчаларининг шундай ўзига хос жиҳатлари борки, буни
фақат ўзимиз биламиз. Истиқлолга эришдик, энди бу ёғи до-
риломонлик, оёқни узатиб ўтираемиз, деган одам хато қилади.

Тўғри, шу ўтган давр мобайнида бир неча ўн йилларда рўёбга
чиқмаган ишлар бажарилди. Биргина Тошкентимизда қанча-
дан қанча ўзгаришлар. Бугун кўчага чиқсангиз бир кошона,

Эртасига бошқаси қад ростлаяпти. Бундай муҳташам, улугвор иморатлар тушимизга кирибдими?

Бугун мамлакатимиз тараққиётнинг равон йўлига чиқиб олди. Миллатимиз руҳиятида юз бераётган кўп ўзгаришлардан қувонман. Биз боқимандалик илатидан халос бўляпмиз. Одамларимиз жуда катта ишларга қўл уришяпти. Бундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, истиқлол одамларни у ким бўлишидан қатъий назар, хоҳ вазир бўлсин, хоҳ ҳоким бўлсин, хоҳ деҳқон ёки хоҳ зиёли бўлсин, ўзлигини, шунингдек, Ватанини танишга ўргатди. Биз ўтмишдаги ота - боболаримиз руҳи - покларига ҳурмат бажо қилган ҳолда, келгуси насларимиз тақдирини ўйляпмиз. Буларнинг ҳамма - ҳаммаси мустақиллигимиз шарофатидандир. Ватанни севган, унинг тақдирига ўз тақдирини боғлаган, Ватан қувончини ўз қувончи, ташвишини ўз ташвиши деб биладиган, келажакка маърифат нуқтаи назаридан қарайдиган ёшлар етишиб чиқмоқда. Бизлар қилолмаган ишларни улар қилади, бизлар етолмаган бахтга улар етади. Мени шу нарсалар тўлқинлантиради, қувонтиради.

"ПАЙҒАМБАР ҲАМ КУЁВИНИ СИЙЛАГАН- ДА!"

ТошДУ кичик йигинлар залида бу табаррук инсон билан бўлган учрашувлардан бирида қатнашганман. Тумонот одам йигилган бу тадбирда кичик жуссали, ўзбекона дўппи кийган юзидан нур ёғилиб турган Ғайбулла ас - Салом барча - барчанинг қизиқтирган саволларга жавоб берар экан, ўз фикр - мулоҳазалари билан давра аҳлини ҳайратга солар, олқишига сазовор бўларди. Талабалардан бири таржимашунос олимга "Муҳаммад Юсуфга муносабатингиз қандай? " дея савол берди. " - Эй, Муҳаммад Юсуф - куёвим- ку! Муносабатим яхши.

Шеърлари ҳам яхши", - деди Ғайбулла ас - Салом самарқандча тақаллуф билан. Унинг бу қисқа ва лўнда фикрида ўзбекнинг забардаст шоирига бўлган улкан муҳаббати мужассам эди. Зотан, куёв ҳам ўғил! Бундан ташқари куёвни Пайгамбар (с.а.в.)

Усийлаган. У (с.а.в.) ўзи ўтирган бўйрага туриб куёвини ўтқазган. Ўзбекнинг қайси бир хонадонига разм солманг, қайнота, албатта, куёвини ҳурмат қилади. Чунки, бу Пайгамбардан қолган одат- да! Албатта Файбулла ас - Салом ва Муҳаммад Юсуф ўртасидаги қайнота ва куёв муносабатларига ҳар қандай одам ҳавас кўзи билан қараса арзигулик эди!

Устозимиз Сайди Умиров "Эрки юртнинг эрка шоири" мақоласида ёзади: "...Устоз (Файбулло ас - Салом) билан анча йил бирга ишлаганмиз, ҳамкорликда бир қанча мақола, "Толибнома" номли китоб ёзганмиз, ўн йилча қўшни бўлиб яшганмиз, қадрдонлигимиз боис уйларига бориб турардим. Муҳаммад Юсуф ва Назира қизалоқларини етаклаб, "Бодомзор"даги қадрдон хонадонга келиб, Файбулла ака ва Шаҳрибону опанинг ҳолларидан хабар олиб туришганига гувоҳман. Янги оила ўзини тутиб олгунича Файбулла ака уларга кўп моддий-маънавий ёрдамлар кўрсатган. Муҳаммад Юсуф юртга танилиб, шеърлари, китоблари чиқиб, топиш - тутиши яхши бўлгач, кексайиб қолган қайнота - қайнонаси ҳолидан тез - тез хабар олар, далда берар, тадбирларида бош - қош бўлар, қўлидан келганини аямасди. Бу хонадонда камсуқум шоир ўзини одатдагидан камтар ва ҳушёр тутарди. Кўп гапиргани, ҳатто шеър ўқиганига гувоҳ бўлган эмасман. Устоз олим ҳам куёвидан маслаҳатларини дариг тутмас, насиҳатбозликдан, ёшлар ҳаётига аралашаверишдан ўзини тиярди. "У бамисоли шамол тегса, меваси тўкиладиган серҳосил дарахт. Силкитсанг, шеър ёгилади. Мухлислари, дўстлари кўп, ҳасадгўйлари ҳам бордир, ўзи ҳам ёзган - ку. Ишқилиб, юртимиз, халқимиз, адабиётимиз, қизим, невараларим бахтига омон бўлсин "дерди". Албатта қайнота - ота, у фақат фарзандларига бахт - саодат тилайди, бутун дунё яхшиликлари бошқалар қатори уларга ҳам бўлишини истайди.

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ АСОСЧИСИ

(Шухратхон Имяминова, филология фанлари номзоди:)

Ўтган асрнинг 50-йилларида бадий таржимани илм сифатида тадқиқ этиш бошланди. Бунда А.Мухтор, Ж.Шарипов, Ф.Саломов, Н.Владимирова, Н.Комилов, К.Жўраев, Т.Жўра, С.Олим каби олимларнинг хизмати катта бўлди. Таржимашунослик кенг ривожланиб, ўзига хос илмий мактаб юзага келди. Айниқса, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро Бобур мукофоти лауреати, профессор Ф.Т.Саломовнинг бу соҳадаги хизматлари катта бўлди. Профессор Файбулла Саломов ўзининг бутун илмий фаолиятини Ўзбекистонда таржимачиликни ўрганиб, уни алоҳида фан сифатида ҷақклантиришга бағишлаган салоҳиятли йирик олимдир.

Ўзбек тилининг чуқур билимдони, услубшунос ва қиёсий адабиётшунослик аспектида ишлар яратган Ф.Саломов таржима назарияси, тарихи ва танқидини бирга бақамти олиб ривожлантирди, унинг ишлари туфайли Ўзбекистонда ўзига хос таржимашунослик илми юзага келиб шаклланди. Ф.Саломов 1932 йил 12 декабрда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд университетида таҳсил кўриб, кейин (1956й.) "Фан" нашриётида ишлай бошлаган. Профессор Ж.Шарипов, О.Усмон, У.Турсун таълимини олган Ф.Саломов рус, форс, немис, тожик ва бошқа туркий тилларни яхши билар, дунё адабиёти намуналаридан обдон баҳраманд эди.

Ф.Саломов "Рус тилидан ўзбек тилига мақол, матал ва фразеологизмларни таржима қилиш принциплари" мавзуида номзодлик, "Бадий таржиманинг назарий- услубий муаммолари ва таржима аниқлиги масалалари" мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. У Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида бўлим бошлиғи, директор ўринбосари, ЎзСЭ Бош Таҳририяти раисининг муовини лавозимларида ишлайди. 1970 йилдан бошлаб умрининг охиригача (2000 й.) у Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да очилган "Таржима назарияси ва амалиёти" кафедрасига мудирлик

қилди. Профессор. Ф.Саломов собиқ иттифоқ миқёсида ягона бўлган мазкур кафедрада ишлаб, талабаларга сидқидилдан дарс берар, атрофига қобилиятли шогирдларни йигиб, таржимачилик муаммоларини кенг миқёсда тадқиқ этарди. Бевосита ўзи учта дастур тузди ва иккита дарслик ёзиб нашр эттирди.

Профессор Ғайбулла Саломов ёзиб нашр эттирган монография, рисола, дарслик ва қўлланмалар қуйидагилардир: "Мақол, матал ва идиомалар таржимаси". ("Фан" нашриёти, Т., 1957), "Бадий таржиманинг лексик- фразеологик масалалари". ("Фан", Т., 1960), "Рус тилидан ўзбек тилига мақол- маталлар таржимаси". ("Фан", Т., 1963), "Тил ва таржима". ("Фан", Т., 1964), "Таржимон маҳорати". (ҳаммуаллифликда), ("Фан", Т., 1978) "Дўстлик кўприклари" (ҳаммуаллифликда), (Ф.Ғулом нашриёти, 1979), "Бадий таржима ва адабий таҳрир проблемалари". (ТошДУ нашриёти, 1980), "Таржима ташвишлари". (Ф.Ғулом номидаги Адабиёт нашриёти. Т., 1981), "Адабий анъана ва бадий таржима проблемалари". (Адабиёт нашриёти. Т., 1982), "Таржима назариясига кириш". ("Ўқитувчи" нашриёти, 1978) "Таржима назарияси асослари". ("Ўқитувчи" нашриёти, 1983), "Таржима санъати" (тўплам). Ф.Саломов таҳрири остида 6 та китоби босилиб чиққан, "Бобурнома" жаҳон кезади". ("Академия" нашриёти, 1997), профессор Ф.Саломов 300 га яқин илмий, танқидий, маърифий- маънавий мазмундаги мақолалар муаллифидир.

Устоз олимнинг фаолияти серқирра ва ниҳоятда баракали эди. Унинг илмий раҳбарлигида 57 та номзодлик иши ёзилган бўлса, шулар ичидан 6 таси фан доктори илмий даражасини олишга эришди. Булар, профессор Н.Комилов, Ҳ.С.Кароматов, К.Жўраев, Н.Отажонов, Муҳаббат Боқиева ва А.Умаровдир.

Домланинг шогирдлари ҳам илм- фаннинг ўзлари танлаган соҳаси- таржимашуносликнинг турли йўналишларини ривожлантирдилар. Масалан, Н.Комилов, С.Олимов, М.Соипова, А.Умаров- таржима тарихи, Ҳ.Кароматов, А.Хўжаев, Г.Хожибоева, хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима, Н.Отажонов, Ф.Салимова - "Бобурнома"

таржималари таҳлили бўйича қатор ишларни амалга оширдилар. Ф.Т.Саломов раҳбарлигидаги кафедра Шекспиршунослик, Бобуршунослик, Навоийшуносликнинг ўзига хос объектларига айлантирилган бўлиб, мазкур адилбларнинг асарлари таржималарини қиёсий ўрганиш анъана тусини олган эди. Ф.Саломов таржима назариясини умуммиллий маданиятнинг таркибий қисми деб қараб, тил тараққиёти, адабий ҳаёт, давр руҳини ҳисобга олишни таълим бериб келди. Шунини айтиш керакки, собиқ иттифоқ олимлари орасида таржима ҳодисасига турли қарашлар бор эди: бир гуруҳ олимлар таржимани фақат лисоний (тил) ҳодисаси деб ўрганар, бошқалари буни инкор этиб, бадий таржимани адабий- эстетик ҳодиса сифатида тадқиқ этардилар. Таржима услуби, таржимон маҳорати масалалари ҳам баҳсли эди.

Профессор Ф.Саломов биринчилардан бўлиб бу икки йўналишни қўшди, яъни таржима ҳам лисоний ва ҳам бадий ҳодиса эканини илмий исботлади. Таржима жараёни негизда услуб ётади. Профессор Ф.Саломов илмий мактабидаги асосий принциплар қуйидагилар:

1. Таржима ва халқаро адабий алоқа, сиёсий адабиётшунослик бирга ўрганилиши лозим.

2. Бунда- сиёсий тилшунослик ютуқларига суяниши, тил ва адабиёт ҳодисалари биргаликда олиб қаралиши шарт.

3. Таржимашунослик негизда услубларни чоғиштириш ётади, муаллиф услуби ва таржимон услуби тўқнаш келади, ёзувчи услуби таржимон услуби орқали реаллашади.

4. Таржима - кенг маънодаги ижодкорлик, аммо у асарни ўзгартирадиган ижодкорлик эмас. Бу "Ўзгалар орқали ўзини ва ўзи орқали ўзгаларни намоён этиш" санъатидир.

5. Бадий таржимада ички шарҳ - интерпретация бўлиб туради, бироқ бунинг меъёрини сақлаш лозим.

6. Таржимашунослик - умумфилологик илм, уни бир соҳа билан чегаралаб қўйиш ноўрин.

Ғайбулла Ас- Салом мунаққид, публицист ва шоир ҳам эди.

Юртимизда содир бўлаётган воқеалар, адабий ҳаётдаги

жараёнлар, маънавият масалалари уни бефарқ қолдирмасди. Шу асосда домланинг "Эй умри азиз (1997), "Армон" (1996), "Ваҳийдан келар бир садо" (1992), "Толибнома" (1996), "Эзгуликка чоғлан одамзод", (1997), "Ҳалоллик бозорда сотилмайди" (2000) каби миллат дарди билан ёзилган китоблари чоп этилди.

Ғ.Саломов собиқ иттифоқда нафақат ўзбек таржимашунослик мактабини яратиб, фанини асослаган йирик олим сифатида, балки жаҳон таниган ва тан олган тадқиқотчи сифатида машҳур эди. У Москва, Санкт- Петербург, Киев, Душанбе, Олмаота, Боку ва Ереван каби шаҳарларда кетма- кет ўтказиладиган илмий анжуманларда иштирок этарди, маъруза қиларди. Мақолалари бир қанча хорижий тўпламларда ва журналларда босилган.

ЎЗМУ Таржима назарияси кафедрасида қиёсий адабиётшунослик ва таржима бўйича бир қанча мавзулар белгиланган эди. Чунончи, "Қуръон ва жаҳон адабиёти", "Бобурнома"нинг дунё тилларига таржимасини қиёсий ўрганиш" шундай мавзулардан эди. Профессорлар Л.Бархударов, С.Иванов, М.Левин (Санкт- Петербург), М.И.Османов (Москва), Ғ.Алиев, Т.Тоирбеков (Боку) Ғайбулла Саломовнинг доимий алоқада бўлган ҳамкасблари, дўстлари эди. Ғ.Саломов рус, тожик, озарбайжон тилларида ёза олар, шу тилларда мақолалари чоп этилган эди.

Ғ.Саломовнинг ташкилотчилиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Таржима бўлимини бошқаришда, нашриёт ишлари ва кафедра ишларини бошқаришда ҳам намоён бўлди. У кўзга кўринган йирик олим, илм- фан ривожига камарбаста ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози, фидойи инсон эди.

"ХОТИН ТИЛИ"

Шоир Муҳаммад Юсуф ҳам қайнотасини қаттиқ ҳурмат қилган. Устоз Сайди Умировнинг эслашича, Ғайбулла ас - Салом хотирасига бағишланган кеча Хатирчида бўлиб ўтади. Унда Муҳаммад Юсуф бир воқеани айтиб беради: у кунлардан бир куни хотини билан аразлашиб қолиб, арзи - ҳол қилгани қайнотаникига боришади. Назира опа биринчи бўлиб отаси ҳузурига кириб, узоқ қолиб кетади. Муҳаммад Юсуф қайнотаси ёнига кирар экан,

Юраги така - пука бўлиб, ҳар хил хаёлларга боради: "Ҳозир мени койиса керак, қизимни нега хафа қилдинг дейди", - деб ўйлайди ўзича. Бироқ Файбулла ас - Салом куёви билан кўришар экан, бир пас тин олиб "Эҳ, шоир шеърларингиз билан 26 миллион одамнинг кўнглини топгансиз, нега унда бир хотиннинг тилини тополмадингиз?!" деган экан. Файбулла ака ҳар бир гапни ўйлаб гапирар, унинг салмоқли ва тош босадиган фикрлари пурмаъно ва пурҳикмат эди. Шу боис куёв ҳам қайнотасини отасидек эъзозлар, у ҳақида гапирганда тўлиб - тошиб, меҳр - муҳаббат билан сўзларди.

«КЎРОЛМАЙМАН ТРАМВАЙЛАРНИ».

Муҳаммад Юсуф сайланмасида бир шеър бор. Унда Назира Саломова билан тўйгача учрашиб юрган дамлар қаламга олинади. Шоир ҳар куни севган ёрини кузатиб бекатда қолишини, "моҳи тобонини" эса трамвайлар ота уйига - Бодомзорга олиб кетишини афсус- надомат билан тасвирлайди. У ўз севгилисидан бир дам ажралгиси уни қўйворгиси ҳам йўқ. Гўёки вақт тўхтаса- ю, трамвай ҳам ўз ўрнида қотса, ошиқ - маъшуклар бир умр бир бирининг дийдорига тўймай, туришса!

Юр, деб ўзим кетар йўлларга,

Буролмайман трамвайларни.

Сўколмайман трамвайларни,

Уролмайман трамвайларни.

Кўролмайман трамвайларни!...

Бу шеър ҳақида Назира ас - Салом қўйидагича дейди; " Бир вақтлар Муҳаммад ака шаҳримизнинг Навоий кўчасидаги трамвай бекатларида мени кутиб ўтиравериб, чарчаганидан ёзилган - да, бу шеър. Фалон бекатда кутаман, деб яқин дўсти Бахтиёр Муҳаммадиевдан айттириб юборса, мен бошқа бекатдан қочиб қолиб, анча овора қилганман Муҳаммад акангизни".

"ОСМОНИМ ЁРИТГАН ТОВАНИМ ҲЗИНГ"

Яна бир гап. Муҳаммад Юсуфнинг жуфти ҳалолига бағиш-лаб ёзилган шеърларида ҳам Назира ас - Саломга бўлган бетакрор муҳаббат туйғулари уфуриб туради. "Сени йўлиқтирди ҳазрати Хизр "дея ана шундай жуфти ҳалоли борлиги учун Яратганга шукрлар айтади.

*Юракдан раҳматлар айтмайин нечун,
Ортимдаги нурли изларим учун.
Шеърларимга берган ҳайрат ҳисларим,
Ўғилга алишмас қизларим учун...
Меҳрибоним, сенга айтарим шудир -
Борингга, шукурлар, борингга шукр.*

«ЎГИЛДАН КАМИ ЙЎҚ» ҚИЗЛАРИМ!

Муҳаммад ака "ўғилдан ками йўқ" қизларини жонидан ортиқ кўрарди. "Ўғилларнинг ота билан иши йўқ, Қиз отасин ҳар қадамда эслайди", деб ёзарди у баралла. Шоирнинг кўплаб шеърларида отанинг "юрак қонидан яратилган" меҳрибон қизларига бўлган чексиз муҳаббати акс этади. Шоир айтмоқчи, ўғлим йўқ дея бошингизни деворга урманг. Қиз ҳам фарзанд. У ҳам ўғилдан кам эмас. "Қиз қадрига етмаганлар гофилдир, Қиз бор уйда ёруғ бўлар юзингиз".

*Айтинг кимнинг паймонаси тўлмаган,
Қиз бор - ота ёт бағирда ўлмаган,
Ўғлим йўқ деб ўқинганлар- жоҳиллар,
Ҳатто, Пайгамбарнинг ўғли бўлмаган!..
Билиб айтинг айтганда ҳар сўзингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз?!*

Болажон бу инсон кўпроқ вақтини қизлари билан ўтказишни хуш кўрарди. Узининг таъбири билан айтганда, жужуқларим(яъни Маъсуда, Нозима ва Мадиналар) менинг камолим" дер эди у. Дарҳақиқат, "Қиз бор уйнинг файзи бўлак дейдилар, Жаннат йўли

қиз бор йўлак дейдилар". Айтишларича, уч қизни тарбиялаб, ўстирган, уйли - жойли қилган инсон жаннати бўлармиш.

Назира Саломованинг хотирлашича, "Муҳаммад ака спортни севар, кўпинча дўстлари билан футбол ўйнагани бориб турарди. Уйда эса деворга тренажёр ўрнатиб қўйган(у ҳозир ҳам турибди), нафақат ўзи, қизларини ҳам шугуллантирарди. Мадина қизим, айниқса ўзига ўхшаш чайир бўлгани учун у билан жиддийроқ шугулланарди.

Дўрмондаги дала ҳовлимизда қизларга машина ҳайдашни машқ қилдириш Муҳаммад аканинг севимли машгулотларидан бири эди. У қизларни жуда эркин қўярди, кўпинча бирга олиб юрар, уларга меҳр беришга ҳаракат қиларди. Муҳаммад ака болалар ёнида хотиржам бўлса керак, кўпроқ уйда ижод қиларди... Муҳаммад ака учун фарзанддай азиз неъмат йўқлигини, уларнинг кулгусини бошқа қувончга алмашмаслигини... бир қатор шеърларида кузатиш мумкин. Қизлари туғилганда, у киши ёш боладай қувонарди. Болаларнинг ҳатто йиғлаши ҳам Муҳаммад акага ҳайратли туюлар эди. Уларнинг бирортаси оғриб қолса, ўзини қўярга жой тополмасди. У кишининг "Фарзандни яхши кўрмаган одамда Ватан туйғуси бўлмайди", деган сўзлари маъносини энди теранроқ англагандайман". Албатта, шоир ҳақ, болани севмаган одам Ватанни ҳам сева олмайди.

*Эй Муҳаммад, олти ога - ининг бор,
Бирда яхши, бирда ёмон кунинг бор.
Бир кун бошинг ботар бўлса болишга,
Қизларингдан яқин яна киминг бор?!
Совчилари эшигида зор бўлсин -
Нозималар, Мадиналар бор бўлсин.*

Устозимиз (раҳматли) Омонилло Мадаев "Шеъриятта ҳолат" деб таъриф берар эдилар. Ҳақиқатан, шоирнинг "Мадина" номли қизалогига бағишланган шеърда унинг ўша пайтдаги ҳолати акс этади ва у бир кун шуҳрат пиллапоясига ҳаммадан

илгарилаб кетишини башорат қилади. Шоирнинг кўплаб шеърларини ўқисангиз, "шоир олдиндан билган эканда" деган фикр гужгон айланади, миянғизда.

*Мадина, Мадина, нега йиглайсан,
Менинг асал қизим, қачон ухлайсан.
Иситманг тушмади, тополмадим дори,
Ярашмас яшамоқ нокасга ёлвориб,
Чида, ёруг тонгни кутамиз, қизим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим.*

Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас. Айтмоқчиманки, ҳар бир кишининг ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Шунингдек, улуг халққа мансуб улуг шоирнинг ҳам. "Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан, ё қишлоққа қайтиб ариқ бўйида ялпизга суяниб ўлиб қоламан" мисралари Назира Саломованинг айтишича, ўсмирлигида ёзилган. Фикримча, унда халқ қалбидан жой ололмасанг, ҳеч бўлмаса даладаги "ялпизларга ошно бўла бил" деган ишора бор.

"Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим" мисралари ёзилганда ҳам шоир ҳали танилиб улгурмаганди. Аммо бир қадар ҳаётий тажрибага эга, тўсиқларга, қаршилиқларга учраб "пишган" эди. Муҳаммад ака ўз келажакига ишониб, қалам тебратди. Албатта, қиз фарзандни қандай яхши кўришни Муҳаммад Юсуфдан ўргансак арзийди.

*Эртагим чўзилди, менинг эртагим...
Эртага энди бу дунёдан ўтсам.
Ҳаёт, азизим, сен хафа қилмагин,
Менинг ширингина қизларимни ҳам.*

Назира Саломова "Ҳамиша барҳаёт шоир" номли мақоласида ёзганидек, "Истиқлол шарофати, Муҳаммад Юсуфнинг барча орзулари рўёбга чиқди; бетакрор ижоди қадрланиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Фарзандлари ортидан неваралари камолга етмоқда. Шоирнинг юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарор барча

Адабиёт мухлислари қатори, аввало, бизнинг хонадонимизда катта қувонч билан кутиб олинди. Қизларим қарорнинг ҳар бир бандини қайта - қайта ўқиб, болаларча қувониб, мени қутладилар".

"ШОИРЛАР ОДАМДАЙ СЕВОЛМАЙДИЛАР"

Шоирнинг шеърларида рафиқаси Назира Саломовага бўлган мафтункор муҳаббати уфуриб туради. "Бизнинг бировлардан не камимиз бор, Эй жуфти ҳалолим, не гамимиз бор" дея ёзади шоир бир ўринда. Албатта бу бахтли жуфтликка ҳамма- ҳамма ҳавас билан қараган. Халқ севган шоирнинг рафиқаси бўлиш бу бир томондан бахт, иккинчи томондан масъулият.

*Гарчи мен билан ҳеч йўқдай ишларинг,
Мен ҳақдадир ҳатто кўрган тушларинг.
Севдим демасанг ҳам севгинг изҳори -
Кўзинг тўла меҳр жилмайишларинг.*

Шоирнинг кўнгли гулдек нозик бўлади. Муҳаммад Юсуф ибораси билан айтганда, "Улар гоҳ бир оғиз ширин сўз қули, Гоҳ дунёни олар бир ибораси". Шунинг учун "анордек кўнгли нозик" шоирнинг салоҳияти оиладаги мўътадил муҳитга ҳар томонлама боглиқ. Назира Саломова мақоласида ёзади; "Аммо ижод руҳият билан боглиқ жараён. Шоир ўз оламига кириши, унга ҳеч ким халақит бермаслиги керак. Мен бу пайтда шу шароитни яратиб беришга ҳаракат қилардим, отасининг тиззасида, елкасида ўтириб ўрганган болаларим эса бунга кўнмай, хархаша қиларди". Назира опа ўзи шоира бўлгани учун ҳам шоир руҳиятини чуқур тушунган. Назира ас - Салом хотирлайди; "...биз Муҳаммад ака билан бир - биримизни жуда яхши тушунардик. Зиёли оила, ижодий муҳитда вояга етганим, ўзим ҳам ижодкор бўлганим учун ҳар бир янги асаридан, муваффақиятларидан фақат хурсанд бўлардим. Шеъриятнинг қандай ҳодиса эканини биланлаганим учун ҳеч қачон шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг прототипини қидириб, кўнглимга шубҳа иниб, сўраб - суриш-

тирмасдим. Ҳар бир асарнинг сабаби, қаҳрамонини топишга ҳаракат қилаверсангиз, охир - оқибат, шоир кўп нарса йўқотади, қанча гўзал мисралар дунёга келмай қолиб кетаверади".

**Биламан тахминан
Шундай ўйлайсиз:
Шоирлар - девона,
Тузалмайдилар.
Шоирнинг севгиси
Ўткинчи дейсиз.
Шоирлар одамдек
Севолмайдилар.**

Албатта, шоирларни сал галатироқ, хаёлпарастроқ, девонароқ деб ўйлаганлар ҳам йўқ эмас. Шоир кўнгил одами, унинг қалбига йўл топсангиз бутун дунёни пойингизга тўшайди. Севса ҳам жон жаҳди билан, йигласа ҳам сел бўлиб, хурсанд бўлса ҳам болаларча севинади. Аммо, сизни ҳеч ким севолмайди унингдек. Шоирнинг севгиси фариштадек пок, бегубор, оловдек бокирадир. "Севмоқ бу - қунда бир кўрмоқ бахтидир Озгин кўлларингни, сепкил юзингни", дейди шеърнинг лирик қаҳрамони.

Муҳаммад Юсуф айтганидек, шоирлар гулнинг боласи. Сўзни қиздек қучган шоирнинг нони бутун эмас, аммо юраги бутун. У ҳеч кимни зор куттирмайди, бироқ ўзи юз йил кутиши мумкин бир дунё дард билан. Шоир шеърни "қарогимдан оққан ёшларим" деб атайди. "Шамолдек беқарор шоир севгиси... Қаламни қучоқлаб ухлаб қолади..." Шоирни турмуш ўртоғи эслайди; "...Шу билан бирга, ижодкорларга хос қайсарлиги, инжиқлиги ҳам бор эди. Агар эшиқдан кириб келган пайтлари овқат тайёр бўлиб, дастурхонга қўйилмаса, кейин минг илтимос қилсангиз ҳам емасди. Кўнгил одами бўлгани учун,

табiiйки, салгина эътиборсизликдан ҳам ранжиб қоларди. Агар янги шеърларини ўқиб бераётганида, чарчаганимданми ёки бошқа ташвишлар биланми, сал бепарволик қилсам, дар-

Троув ўша қораламасини йиртиб ташларди. Кейин шеър парчаларини битталаб йигиб, ёзув машинкасида оқ қоғозга кўчириб қўярдим".

"Хирмондаги бола" шеърисидаги ялпиз далада вояга етган лирик қаҳрамон ёзади; "Кейин шеър йўқлади, тушимга кириб, Кейин ўзим йўқлаб Тошкентга кетдим". Шундан сўнг шеърнинг лирик қаҳрамони Тошкентга зўр шоир бўламан" дея қаттиқ аҳд билан келган. Агар ўз сўзининг устидан чиқмаса "Ё уйимга қайтиб, ариқ бўйида Ялпизга суяниб ўлиб қоламан" дейди у. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов хотирлаган эди; "Муҳаммад Юсуфни мен таниқли ёзувчи Назир Сафаров орқали таниган эдим. Муҳаммадjon Назир ака хонадонида турар, ёшгина ўсмир йигитчанинг пойтахтдаги илк қадамлари мана шу остонадан бошланган, бу уйдаги адабий муҳит бўлажак шоирга катта мактаб бўлган эди. Дастлабки шеърларини менга бераётиб, Назир ака шундай деган эдилар, "Мен Эркинjon ёзувчиман. Шеъриятдан узоқроқман. Сизга бир илтимосим, Муҳаммаднинг шеърларини ўқиб кўриб, ўзингиз йўл - йўриқ кўрсатсангиз. Машқларида нимадир борга ўхшайди".

Шоир "Тошкентда зўр шоир бўламан" деган ваъдасининг устидан чиқди, юрtda тоза машҳур бўлди, аммо у шу қадар сахий ва мард эдики, барча ёзганларини баҳорда пишган бир коса сумалакка алишиб ҳам юборарди. Муҳаммад Юсуф ўз чиқишларидан бирида "Шоирга фаришталар ёрдам беради. Бўлмаса у ўз шеърини ўқиб, ўзи йиглармиди", деган эди.

Шоир агар суйса бировни,

Севилмаса - суйр севгисин.

Ёрга ўзи топиб куёвни,

Тўйда ўйин тушиши мумкин.

Чунки шоирлар "бировнинг тўйини, бировнинг уйини" бузолмайдилар". Муҳаммад Юсуфнинг шоир қиёфасига чизилган гилари орқали ижодкор портрети гавдаланади. У ҳақиқий сўз

Пошuftаси - шоир қиёфасини тасвирлайди. Гулжамол Асқарованинг эътироф этишича, "Муҳаммад Юсуф шоирларни Худонинг эркатойлари" деб атаган. "Шоирлар - куйган кўнгиллар ноласи, Ғариб оналарнинг ғариб боласи...Улар кулбасидан дўзах бир қадам, Жаннат улар икки қошин ораси..."

Шоирлик мен учун асло орзумас,

Шу ҳам иш бўлдим ийгит бошимга.

Ҳамма шоир зотин йигса арзимас

Онамни соғиниб тўккан ёшимга.

Муҳаммад Юсуф "Осмоннинг охири" насрий достонида ёзади; "Мен биринчи шеъримни қачон ёзганимни ўзим билмайман. Хўш, қани ким айтади, охиргисини қачон ёзаман?... Билиб туриб бировга озор беришдан ёмони йўқ. Ўзинг ҳам билмасдан бировга яхшилик қилишдан ортиқ яхшилик йўқ. Шеър ёзиш ҳам ўзинг билмай бировга яхшилик қилишдай гап". Чўккан ёки ярим кўнгилни ёқимли шеър билан кўтариш ва хурсанд қилиш эзгуликдир. Зотан "Авлиёлар авлиёси" Ҳазрат Навоий ёзганидек, "Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, Онча борки Каъба вайрон бўлса обод айлағай".

Қалам ушладимми демак - ўйин бас,

Яйраб очолмайди гул дудоғини.

Шундоқ юрак ютиб сўраша олмас,

Хонамда қолдирган қўғирчоғини.

Бурчак - бурчақда жим тортишар бурун,

Билмам қандай ўю хаёл ичида.

Тузсиз шеърларим деб шириндан ширин,

Болаларим юрар оёқ учида..

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид ёзади; "шоирнинг қадади қомати, қалбининг бўю бастини, қиёфасию кўнгил дунёсини шеъри кўрсатади, унинг зоҳири ҳам, ботини ҳам ўз шеъридир.

Бу шеърият ўз - ўзидан яралгани йўқ. Худо берган бу ис-

теъдод "Шувоқлари кўчган эски уйлар", ажин босган азиз ва қадрдон юзларни эслатувчи ним нураган пахса деворлару тупроқ кўчаларнинг тунги сукутларидан, онаизорларнинг меҳру соғинчлари, оталарнинг умрий заҳматлари иси келгувчи яктак - чопонлари, сулув қизларнинг кулгуларию қошу киприкларари аро ўсма майсасидек кўкариб, барг ёзиб камол топди. Бу шеърият меҳру соғинч, дарду ҳижрон, тириклик ва ўлим, дийдор ва айрилиқ тарбиясини олган....

Шоир савол ҳам бермайди, жавоб ҳам сўрамайди. Шеърлар сизни сўроққа тутмайди. У бор - йўғи кўнглини тўқади, шеър шаклида саҳифаларга тўкилган кўнгили кишига юк юкламайди. Сиз уларни шундоқлигича, яъни шеърларни кўнгили мисол, кўнгилини шеърлар янглиг қабул қиласиз".

СЎНГИ НАФАСГАЧА ХАЛҚ БИЛАН

Муҳаммад Юсуф 2000 йилнинг кузида уй иши билан шахсий автомобилида телеательега бораётганда автоҳалокатга учраганиди. Ўшанда у ТошМИ клиникасида даволаниб чиққан эди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Янгибой Қўчқоровнинг эслашича, "2001 йилнинг июль ойи учинчи ўн кунлигида Эликқалъада ёш ёзувчиларнинг "Ақчақўл илҳомлари"- 1 - республика анжумани ўтказилди. Пойтахтдан адиблар гуруҳи жўнатилаётганида "Муҳаммаджон ака, соғлигингиздан келиб чиққан ҳолда бориш ҳам, бормаслик ҳам ўзингизнинг ишингиз!" деганимда "Мен энг сўнги нафасимда ҳам халқ ичида бўламан!" деб жилмайдилар. "Аллоҳ Сизга Хабибий домланинг ёшини берсин!" деган эдим. Пешонасига ёзилгани шу экан ; Бобур ҳазратларининг ёшида бу оламни ёруғ юз билан тарк этди".

"ХОТИМА"

1999 йил эди чамамда Филология фанлар доктори, устоз Анвар Ҳожиаҳмедов (марҳум) ҳузурига домламиз Омонулла

Мадаев билан бордик. Омонулла домла йирик олимга менинг Аруз илмига қизиқишим борлигини, шогирдликка олишларини илтимос қилдилар. Анвар ака менга Ҳофиз Хоразмий шеърларини вазнини аниқлаб келишимни топширдилар. "Ҳазаллар вазнини аниқлаш илм эмас, илм нима учун ушбу вазнда ёзилганини тадқиқ этиш," - деди у киши. Тошкентдан Қашқадарёга Талимаржон шаҳрига ёзги таътилга қайтиб, бош кўтармай топшириқни бажаришга ҳаракат қилдим. Ҳофиз Хоразмий ғазалларини ўқиш ва вазнини аниқлаш мобайнида ўзим ҳам шоир ва унинг руҳий олами ҳақида кенг маълумотга эга бўлдим. Лўнда қилиб айтганда, шеърят бу ижодкорнинг руҳий ҳолати, "таржимаи ҳоли", "ўз дунёси талқини". Демокчиманки, Муҳаммад Юсуф шеърларини қайта - қайта ўқиш давомида шоир "олами" ни такрор ва такрор кашф этавердим. Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари шоирнинг, миллатнинг, Ватаннинг, муҳаббатнинг таржимаи ҳолидир. Ана шу миллат, халқ, Ватан бор экан, уни эътироф этган, эҳтиром кўрсатган халқ шоирининг чироги зинҳор- базинҳор ўчмайди.

Ургу бериб айтмоқчиманки, айрим шоирлар шеърини бир ўқисангиз, қайта ўқигингиз келмайди, аммо Муҳаммад Юсуф шеърлари қайта - қайта ўқилса ҳам сизни яна ўзига тортаверади. Шоир шеърларида унинг волидаи муҳтарамаси, ака - укалари, опа - сингиллари, жуфти ҳалоли, қизлари, дўстлари, яқинлари, алалхусус ён - атрофидагиларга муносабат, муҳаббат, нуқтаи назар кундалик ҳаётимизда кўпчилик одамларга хос бўлган ташвиш, муаммо ва "дард" билан уйғунлашиб кетади.

Шоирнинг Муҳаммад Юсуфлиги шундаки, у сизу бизнинг ўю- ташвишларимиздан хабардор, гўёки биз билан сирлашгандек ичимиздагини айтади. Чунки у бизнинг дардимизни куйла-япти - да! "Битта қиз эрга тегса қирқтаси туш кўрармиш!" Буни шоир қаердан олган. Албатта ҳаётдан - да! У йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам ўю - хаёлидан хабардор. "Сизга нима, сиз ухланг,

ҳеч ишингиз бўлмасин, кимда кимни кўнгли бор қўяверинг,
ўйнасин" дейди шоир. Ва бу билан ошиқликка чалинган ёш
Йигитчаларнинг кўнгил хитобини ифодалайди. Бир танишим
айтиб бергани, унинг ҳам талабалиқда бир қиз юрагидан уриб,
у билан кўришишга онаси рухсат бермаганида шоирнинг бу
шеърини унга ўқиб берган экан, 9 май - Хотира ва қадрлаш
куни экан ўшанда. Ва ниҳоят узоқ интизорликдан сўнг учра-
шиб туришга рухсат олибди, шеърнинг кучу- қудрати билан:

**Уксимасин қиз қалби,
Йигит райи ўлмасин.
Кимда кимнинг кўнгли бор,
Қўяверинг, ўйнасин.**

Кечагидек эсимда. Муҳаммад аканинг бу шеърини ёд олган-
ним. У киши кўнгил шоири эди. Чунки сизу бизнинг, миллион-
лаб ўзбекнинг юрагидагини ўз шеърларида тўкиб соларди. Шеър-
ларни катта ҳаяжон билан ким ўқиса ҳам "менинг кўнглимда-
гини ёзибди" дерди - да! "Сени осмонимга олиб кетаман, ерда
бизга кун йўқ, кун йўқдир, жоним" - қўйма сатрлари беихтиёр
"муҳаббат оташида" кенг дунёга сиғмай қолган ошиқ - маъшук-
ни "бошқа дунёга" - "бошқа осмонга" етаклайди. Муҳаммад ака-
нинг содда, равон, хушоҳанг сатрлари шифобахш булоқ суви-
ни эслатади. Унда сўзлар ҳам худди, маржондай тизилгандек.

**Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,
Дўстларим... дўстларим, бахтли боламан.
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга суяниб ўлиб қоламан.**

"Ака Шариф Тошкентда" бадий фильмида янграган ушбу
сатрлар "оқни оқ, қорани қора кўрган", "ўз билганидан қолма-
ган" шоирнинг кўнгил хонишидир. У ўз аҳдида тура олди, шоир
бўлди, бўлганда ҳам таниқли, зўр шоир бўлди. Одамлар бир
умр у билан учрашиш истагида яшадилар. Шоир ҳам одамлар

Торасида кун кечирди. Машҳурлик касалига учрамади. Сўнгги кунигача оддий ва камтарин Муҳаммад Юсуфлигини сақлаб қолди. Шоир такрорланмас сатрлари билан миллий адабиётимиз, шеърятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллабгина қолмасдан, адабиёт "чаман" ини равнақ топишига хизмат қилди.

2014 йилнинг бошида "Нишон тонги" газетасида устоз Муҳаммад Юсуф ҳақида хотираларимни бир мақола қилиб бердим. Газета муҳаррири устозим Саломат опа Турсуновага мақола маъқул келди. Ўқиганлар ўз фикрини билдирди, уни яна тўлдирдим, бойитдим, кейин қайнота ва куёв ва уларнинг ўхшаш тарафлари ҳақида мақола тайёрладим, у ҳам "Қашқадарё", "Баркамол авлод", "Олтин қалам", "Воҳа", "Дарё", "Мўъжизавий дунё", "Нафосат" каби кўплаб газеталарда эълон қилинди. Муҳаммад Юсуф ҳақида кўрган - билганларни вақт-ли матбуотда чоп этган мақолаларини кузатиб бордим.

Шоирнинг мухлислари (ўзим ҳам устознинг мухлисиман) ёзган мақолалариму хотираларимни китоб ҳолатига келтиришни маслаҳат беришди. Баҳоли қудрат ҳаракат қилдим, янада янги маълумотлар киритдим, устоз ва унинг қайнотаси билан қилинган суҳбатларни қўшдим, билганларимни баён этдим. Китоб тайёр бўлди, аммо нашр этилиши чўзилиб кетди. Жорий йилда рисола қайта ишлаб, чоп этишга қарор қилдим. Қароримни раҳматли устозимнинг жуфти ҳалоли Муҳаммад Юсуф номидаги жамоат фонди раҳбари, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси Назира Ас-салом қўлаб - қувватлади.

Рисола "Соҳибқирон юлдузи" журналининг 2015 йил 2 - ва 3-сонларида тўлиқ нашр этилган.

Албатта, бу тадқиқот ҳам эмас. У менинг хотираларим, устоз ва унинг шеърлари ҳақида қувваи ҳофизам етунча фикр - мулоҳазаларим, холос. Камчиликлар борлигини инкор этмайман. Бейайб парвардигор. Бунинг учун азиз ўқувчи, сиздан узр сўрайман.

Устоз Сайди Умиров айтганидек, "Муҳаммад Юсуф ҳаёти

ва ижоди ҳақида мунаққидлар, мухлислар, санъаткорлар кўп яхши сўзлар айтишган, ёзишган. Ҳали яна бисёр фикр - мулоҳазалар, таърифу, тавсифлар айтилади, ёзилади, тадқиқотлар яратилади. Зотан, у бунга тўлиқ муносиб, халқнинг дилидан жой олган халқ шоиридир".

Ушбу асардан парчалар "Огоҳлик ва фидокорлик - мамлакатимиз равнақи калити" мажмуаси ("Ўзбекистон" нашриёти 2000 йил), каминанинг "Мустақиллик моҳияти" рисоласи (Ғафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 2000 йил), "Фидокор", "Нишон тонги", "Баркамол авлод", "Мўъжизавий дунё", "Нафосат", "Шифо ва зиё" газеталарида эълон қилинган.

"ҚАЛБЛАРДА ҚЎШИҚ БЎЛИБ ЯШАЁТГАН ШОИР"

Мамлакатимиз таълим муассасаларида ҳар йили - 26 апрелда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб ўтказиладиган шеърият кечалари учун тавсия қилинадиган сценария.

(Саҳна лолақизгалдоқлар билан безатилган. Саҳна тўрига Муҳаммад Юсуфнинг портрети, деворий газеталар, шеърий мисралар, шиорлар осилган. Шоирнинг ҳаёти ва фаолиятига доир турли фотосуратлар, шеърий тўпламлари, газета ва журналларда чоп этилган шеърлари кўйилган. Саҳна мониторида Муҳаммад Юсуфга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилмоқда. Тадбирда меҳмонлар, ўқитувчилар, ўқувчилар таклиф қилинган).

Зал узра "Кўкламойим" қўшиги янграйди ва саҳнага икки нафар бошловчи кириб келади).

1- Бошловчи: - Ассалому- алайкум, ҳурматли меҳмонлар, азиз устозлар, қадрдон ўқувчилар.

2- Бошловчи: - Ассалому- алайкум бугунги кечамизга ташриф буюрган адабиёт мухлислари, шеърият ихлосмандлари, Муҳаммад Юсуф шеърларининг шинавандалари.

1- Бошловчи: - Халқимизнинг суюкли фарзанди, Ўзбекис-

Тон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллуд топган кунга ба-
гишланган шеърят кечамизга хуш келибсиз!

2- Бошловчи: - Муҳаммад Юсуф - жонажон ватанини дил-
дан суйган, ўтли мисралари билан мухлисларини покликка,
эзгуликка чорлаган, ўзбек адабиётининг булбулзабон шоири
эди. Агар у ҳаёт бўлганида бугун кўнглимизга ўзининг ҳаро-
ратли сатрлари билан ҳузур бахш этган бўлармиди?

2- Бошловчи: - Шоир, 47 ёшида дорилфанодан дорулбақога
сайр қилиб, яқинларини ва минглаб мухлисларини йиглатиб,
бир умрга оғир жудолик ўтига ташлаб кетди.

1- Бошловчи:-

*Бир арслони ўтди Ўзбекнинг,
Оҳи кўкка етди Ўзбекнинг,
Қуёш йиғла, осмон аза тут,
Муҳаммади кетди Ўзбекнинг.*

2- Бошловчи:-

*Балаңд кетди, шонига кетди.
Жаннатнинг айвонига кетди.
Турк юқини елкашай деб,
Яссавийнинг ёнига кетди...*

(Ҳ.Худойбердиева)

(Мониторда Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва фаолиятига
доир маълумотлар пайдо бўлади, "Ака Шариф Тошкентда"
бадий фильмидаги шоир ўйнаган лавҳа намойиш қилинади
ҳамда шоирнинг фотосуратлари слайд орқали кўрсатилади.)

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф 1954- йил 26- ап-
релда Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Қовунчи
қишлоғида оддий заҳматкаш одамлар оиласида таваллуд топди.

Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент Рус тили ва ада-
биёти институтини 1978- йилда тамомлади. Унинг дастлабки
шеърларидан намуналар 1976- йилда "Ўзбекистон адабиёти ва
санъати" ҳафталиги саҳифаларида чоп этилди.

1978- 1980- йилларда Республика "Китобсеварлар" жамиятида, 1980- 1986- йилларда "Тошкент оқшоми" газетасида, 1986- 1992- йилларда эса Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, 1992- 1995- йилларда "Ўзбекистон овози" газетасида, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)да хизмат қилди. 1997- йилдан эътиборан шоир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

Шеъррий тўпламлари: "Таниш тераклар" (Биринчи шеъррий тўплами) (1985), "Булбулга бир гапим бор" (1987), "Илтижо" (1988), "Уйқудаги қиз" (1989), "Ҳалима энам аллалари" (1989), "Ишқ кemasи" (1990), "Кўнглимда бир ёр" (1990), "Бевафо кўп экан" (1991), "Ёлгончи ёр", "Эрка кийик" (1992), "Осмонимга олиб кетаман".

Достонлари: "Осмоннинг охири", "Қора қуёш".

Муҳаммад Юсуфга 1989- йилда "Уйқудаги қиз" номли шеъррий тўплами учун Республика Ёшлар мукофоти, 1998- йилда юксак ижодий ютуқлари учун "Ўзбекистон Халқ шоири" унвони берилган.

Муҳаммад Юсуф 2001- йилнинг 31- июлида Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида ижодий сафар чоғида юзлаб мухлислари қаршисида шеър ўқиётган пайтида юрак хуружидан вафот этди. Худди Бобурдек, Шавкат Раҳмондек Муҳаммад Юсуф ҳам бор- йўғи 47- йил умр кўрди. Бироқ бу умр бир дилбар шоирнинг тугилиши, камол топиши, уни вояга етказган юрт ва миллатга самимий ва ихлос ила хизмат қилиб, ортидан яхши ном қолдириши учун кифоя қилди...

Ўзи ўлса ўлар,

Сўзи ўлмайди,

Ҳамиша барҳаёт насл- шоирлар.

Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди-

Юракка кўмилар асл шоирлар...

1- Бошловчи: - Дарҳақиқат, ҳақиқий шоир ерга эмас, кўнглига кўмилади ва мангуликка муҳрланади.

...Юракларда юрмагани
Оҳ, олдиндан билган қуш,
Ҳар ўзбекнинг юрагини
Ўзиники қилган қуш...

(Муҳаммад Юсуф замондошлари: Шоирлар, олимлар,
санъаткорлар хотирасида).

(саҳнага 5 нафар ўқувчи чиқади.)

1- Ўқувчи: - Муҳаммад Юсуф деган шоир шеърятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай қолди. Аммо у тезда ҳаммани ҳайрон қолдириб, барчанинг огзига тушиб кетди. Унинг ижоди ҳақида гап кетганда, кўпинча оммабоп ва машхур қўшиқларини тилга оладилар.

Муҳаммад Юсуф қўшиқлари билан эмас, аввало халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўшшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди.

Одамлар унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқимайдиган, китобларини дўконлардан қидириб юрадиган бўлдилар, ҳозир ҳам шундай.

- Муҳаммаджон камдан- кам тугиладиган истеъдод эгаси бўлиш билан бирга, камдан- кам шоирда учрайдиган хислат эгаси- шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди. У шуҳратнинг эмас, шуҳрат унинг ортидан қувиб юрарди, - деб ёзган эди "маънавий жасорат соҳиби" Озод Шарафиддинов.

2- Ўқувчи: - Муҳаммад Юсуф покиза инсон эди. У одамларнинг эсини огдирадиган, ўйлаган, кулдирган, йиглатган, топган- тутганини одамлар устига сочган сахийлик тимсоли эди.

3- Ўқувчи: - Муҳаммад Юсуфни мен таниқли ёзувчи Назир Сафаров орқали таниганман. Муҳаммаджон Назир ака хонадонида турар, ёшгина ўсмир йигитчанинг пойтахтдаги илк қадамлари мана шу остонадан бошланган, бу уйдаги адабий муҳит бўлажак шоирга катта мактаб бўлган эди, - деб ёзганди Эркин Воҳидов, - Бу озгингина, истараси иссиқ, қорачагина йигитча бир кўришдаёқ мени ўзига тортган эди.



Мухаммад Юсуф



Муҳаммад Юсуф ижодий учрашувда
(1992 йил. Шухрат Норқобилоннинг фотоархивдан)



Муҳаммад Юсуф муаллиф билан
(2000 йил. Тошкент шаҳри)



Файзулло Ас-Салом



Файзулло Ас-Салом йиғилишда



Ўзбек отаси тимсоли



Ғайбулло Ас-Салом шоир Ғуллом Мирзо билан

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиманки, инсон умрининг охиригача илм ва ҳаёт дарсини ўрганади. Аммо шеър ёзиш илми шундай илмки, уни ўрганиб бўлмайди. У тугма бўлиши керак. Муҳаммаджон тугма истеъдод соҳиби эди. У бу истеъдодни ривожлантирди, ўзига талабчан бўлди.

4- Уқувчи: - ...У обрў талашмас, иззатни сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди. Худди шундай инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонунийдир. Шу каби юксак фазилатлари туфайли Муҳаммад Юсуфни халқимиз ардоқлади. Биринчи президентимиз унга оталарча меҳр кўргазди. Унинг хизматларини давлатимиз муносиб баҳолади,- деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони (марҳум) Абдулла Орипов, - Муҳаммад Юсуф қисқа умр кечирди. Ундан чинакам бетакрор ижодий мерос қолди. Ҳақиқий маънодаги барҳаётлик, завол билмаслик Муҳаммад Юсуф ижодига тааллуқли.

5- Уқувчи: - Саксон фоиз қўшиқларимнинг муаллифи Муҳаммад Юсуф эди. "Муҳаббат йўқ экан дунёда..." деган қўшигимдан бошлаб у киши билан ҳамкорлик қилганмиз. Ака- укадек қадрдон эдик. "Онам йиглар..." қўшигининг мусиқасини яратишда ҳам, қандай қилиб айтишимгача ўзи устида ўтирган эди. Унинг ёзганлари кўпинча менинг овозимга мос келарди. Шеърлар халқона эди, оҳангини ўзи билан ёзарди, - деб хотирлайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фиёс Бойтоев, - Кўпинча, у ўзи менга шеърлар илинарди, гоҳида мен Муҳаммад акани тинч қўймасдим, шундай шеър ёзиб беринг, деб мавзуни айтардим.

Шундай одам ўтиб кетганига ишонмайман. Худди шундай, уйгонсам, Муҳаммад акани кўрадигандай, карахтман.

(Саҳнада хонанда Фиёс Бойтоевнинг Муҳаммад Юсуф, Нуриддин Ҳайдаров, Охунжон Мадалиев, Муҳриддин Холиқов хотирасига бағишланган қўшиғи янграйди)

2- Бошловчи: - Муҳаммад Юсуф ана шундай гўзал инсоний фазилатлари билан замондошлари, устозлари, дўстлари, яқинлари,

фарзандлари хотирасида гавдаланади, миллионлаб мухлисларининг қалбида эса шеъррий мисралари қўшиқ бўлиб янграйверади.

(Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб "Қизгалдоқ" қўшиғи янграйди. Қўларига лолақизгалдоқлар, гулдасталар, ўзлари чизган шоир портретлари, шоир сурати тикилган кашталарни кўтарган ўқувчилар саҳнага чиқиб, шоир портрети олдига гулдасталар қўядилар. Муҳаммад Юсуф хотирасига атаб ёзилган замондош шоирлар шеърларидан ва ўз ижодларидан намуналар ўқийдилар)

1- Бошловчи:-

Ол, дея бир кун Эгам, осмонга учса руҳларим,
Бир ажиб мовий диёр бўйнини кучса руҳларим-
Кўк бўлсам кўксим бўлур, юлдузлари - андуҳларим,
Гул ўпиб, гул ёпиниб ҳар дилда мазорим қолур,
Мен кетарман бир кунни, наволарим, зорим қолур...

(М.Юсуф)

2- Бошловчи: - Муҳаммад Юсуф қисқа умр кўрган бўлсада, ундан улкан маънавий мерос қолди. Шоирнинг ўнга яқин шеъррий тўпламларига жамланган шеърлари бутун кенг китобхонлар қалбида "наво" бўлиб янграмоқда. Шоир шеърлари қайси мавзуда ёзилган бўлмасин, киши ҳаётига инсоний мазмун бахш этадиган инжа туйгулар, аввало, меҳр ва муҳаббатни тараннум этади. Айниқса, она юртдан туйган меҳри худди сингилнинг, онанинг меҳридек илиқ, у бир ака бўлиб, бир ўғил бўлиб бу меҳрга жавоб берди.

1- Бошловчи;

Ҳа, Муҳаммад Юсуф;
Ватанни бир фарзанд суйса, сиздек суйсин,
Юрт ўтмишин ўйлаганда куйиб жони.
Ўз халқининг иқболи деб сиздек куйсин,
"Халқ бўл, элим", - дея юртнинг мард ўғлони.

(Саҳнага 2 - 3 нафар ўқувчи чиқиб, шоирнинг "Юртим адо бўлмас армонларинг бор", "Халқ бўл, элим", "Чаманистоним" шеърларини ифодали қилиб ёддан айтадилар).

1- Ұқувчи:-

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиглатган дostonларинг бор,
Ўтмишингни ўйлаб огрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор...*

2- Ұқувчи:-

Халқ бўл, элим
Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,
Қумлар босиб қуримасин дарёларим.
Алпомишга алла айтган момоларим,
Руҳини шод этай десанг, халқ бўл, элим!...*

3- Ұқувчи:-

Чаманистоним
Она юртим Ўзбекистоним,
Пойларинга садқа бу жоним.
Дунёлар ичра бир дунё,
Ўхшаши йўқ чаманистоним.
Юрагимда бир орзу, ҳавас -
Сенга содиқ ўғил бўлсам бас!...*

*(Саҳнага 2- нафар ўқувчи чиқади. "Ватаним" кўшигини му-
сиқа жўрлигида ижро этадилар).*

Ватаним

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон, ўзим султон,
Сен тахти сулаймоним.
Ёлғизим яғонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним*...

1- Бошловчи: Шоир агар шу улуғ юрт "Ўғлим", дея унга
муштоқ бўлса, ҳар қандай мушкулот қаршисига чиққиси, кел-

гуси падаркушлардан келажак Улугбекларини пана қилиб
кучгиси келади.

(Саҳнага 2 нафар ўқувчи чиқиб, М.Юсуфнинг "Самарқанд» шеъри асосида яратилган қўшиқни мусиқа жўрлигида ижро этадилар).

Самарқанд

Самарқандга борсам мен агар,
Улугбекни кўриб қайтаман.
У қон йиглаб турар ҳар сафар:
Мен дардимни кимга айтаман... *

2- Бошловчи:-

"Оҳ, менинг ортимдан оввора онам",-
Ҳофиз қуйлаганда кўзда ёш қалқар.
Ота, дея армон билан юрганларга,
Ота бўлиб бугун юртда қуёш балқар.

(2 нафар ўқувчи "Ота" ва "Онамга" номли шеърларни ифодали ўқийдилар).

3- Ўқувчи:

Ота

Армоним бор, бу дунёда армоним бор,
Қоқ далада ўтлар ўсган ўрмоним бор,
Қизгалдоқдай бошим эгик бу маконда,
Ёшин яшаб ўтган отажоним бор... *

4- Ўқувчи:

Онамга

Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда,
Тошканни кўрмаган бечора онам.
Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,
Энди мен ҳам сенга ўгил бўлдимми?.. *

("Бешинчи ўгил" қўшиғига 6-7 нафар ўқувчи ижросида

саҳнавий кўриниш намоиш этилади.)

Бешинчи ўгил
Етмиш юлдуз ёғилиб,
Ярим ойча тўлолмас,
Етти янга йигилиб,
Битта она бўлолмас,
Она тирик эшикка,
Фурбат яқин йўлолмас,
Менинг эса, бағрим қон,
Вайронаман, онажон..*

2- Бошловчи: - Шоир шеърлари содда, равон халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанглиги билан қалбимиз тўридан жой олган.

Айниқса, шоирнинг "Ўзбек", "Белбоғ", "Ўзбекман", "Ўзбек-момо", "Ўзбекнинг аёллари", "Онам йиглар", "Оқ тулпор", "Кўнглимда бир ёр", "Биз бахтли бўламыз", "Ёлгончи ёр", "Юр, муҳаббат", "Қизлар қўшиги", "Бор бўлсин", "Меҳр қолур", "Йиглаб туринг" каби ўнлаб шеърларининг мазмуни ва дилтортар оҳангдорлиги тингловчисини сеҳрлаб қўяди.

(4 нафар ўқувчилар саҳнага чиқиб, шоир шеърларидан ёд айтдилар, муסיқа жўрлигида "Оқ тулпор", "Меҳр қолур", "Биз бахтли бўламыз", "Кўнглимда бир ёр" кўшиқларини ижро этадилар.)

1- Ўқувчи: **Ўзбекнинг аёллари**
Ухламайди тунлари,
Ой нурлари таралган.
Ўзбекнинг хотинлари,
Фарзанд учун яралган.*

2- Ўқувчи: Бор бўлсин.
Қизи бор уйнинг файзи бўлак дейдилар.
Жаннат йўли - қиз бор йўлак дейдилар.
Унгиришда ўғлим йўқ деб ўксиманг
Тоғ бўлмаса, қир ҳам тиргак дейдилар.

Элнинг бахти ботирларга ёр бўлсин.
Оминалар, Холидалар бор булсин!..*

3- Уқувчи: *Биз бахтли бўламиз
Майлида кимгадир
Ёқса,
Ёқмаса,
Уларга қўшилиб
Йиғлашармидик.
Биз бахтли бўламиз
Худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса,
Учрашармидик...**

4- Уқувчи: *Меҳр қолур
Утар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар - кўз ёши самони.
Утар инсон яхши ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.**

(Мониторда Муҳаммад Юсуфнинг шеър ўқиётган сиймоси гавдаланади)

1- Бошловчи: Муҳаммад Юсуфнинг ўзи бугун орамизда йўқ. Аммо Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад айтганидек, Муҳаммад Юсуф деб аталмиш шеърят бор. Шоир мухлислари қалбида қўшиқ бўлиб яшайди. Муҳаммад Юсуфнинг "Туғилмаган қўшиқлари" шоирнинг рафиқаси Назира Ас- Салом, қизлари Маъсуда, Нозима, Мадиналар тимсолида, юртимизда улғаяётган ёш Муҳаммадлар қаламида яратилмоқда .

2- Бошловчи:-
*Ўзбекистон юксалтир ёдни,
Ганж, хазина, тупроқ қатлари.*

Кўтармоқда қодир авлодни,
Ухлаб ётган Муҳаммадлари.

(Ҳалима Худойбердиева) .

1- Бошловчи: - Муҳаммад Юсуфдек дилбар шоирни ул-
гайтирган она юртимиз Ўзбекистон бағри ҳали не- не буюк
инсонларга бешик бўлади. Шоир таъкидлаганидек :

...Бешикларга тўлиб кетсин Ўзбеклар,
Тили чиқмай кўзи чақнар ҳур Ўзбеклар-
Давлатбеклар, Эътиқодбек, Иймонбеклар,
Бобожон, деб соқолларин силаб турсин.

2- Бошловчи: - Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо
бўлсин!

1- Бошловчи: - Муҳаммад Юсуфнинг руҳи барчамизга
мададкор бўлсин.

(Сценарий Қашқадарё вилоят Нишон туман 35- Давлат их-
тисослашган умумтаълим мактаби ўқитувчиси Насиба Халило-
ва билан ҳамкорликда тайёрланди)

Эслатма: * белгиси қўйилган шеърлар тўлиқ ўқилади

МУНДАРИЖА

Ўзбекни ер танир, осмон танийди.....	3	Меҳр қолур, муҳаббат қолур.....	56
Муқаддима.....	5	Капалақлар одамлардан меҳрибон.....	57
Содда во халқона тил билан.....	10	Муҳаммад Юсуф-яхши китоб.....	58
Халқ бўл элим.....	13	Муҳаммад Юсуфдан юкканда.....	59
Орзиқиб қутиладиган шеър.....	16	Ғайбулло Ас-Салом таржимаи ҳоли.....	60
Онам йиллар, онам у.....	17	Кечиккан шоиринг, қабул эт, элим.....	61
Бисотингда "Байрам" сўзи йўк.....	21	Нега инсонлар минг йил яшамайди.....	61
Миллатнинг юраги бўлайлик.....	25	Ўзбек отаси тимсоли.....	62
Бош қолмади дўппига лойиқ.....	29	Миллат-башарият гултажи.....	64
Ёлғончи ёр.....	30	Пайғамбар ҳам куёвини сийлаган-да.....	67
Тоҳир Малик ва таҳаллус.....	32	Таржима назарияси асосчиси.....	69
Римни алишмасман бедапоянга.....	32	Хотин тили.....	72
Ёшлар арзусидаги шоир.....	39	Кўролмайман трамвайларни.....	73
Умрбоқий шеърят.....	40	Осмоним ёритган табоним ўзинг.....	74
Бир кўшиқ тарихи.....	43	"Ўғилдан камми йўк " кизларим.....	74
Мингтепа кўшиғи.....	46	Шоирлар одамдай севолмөйдилар.....	77
Табиат шоири.....	47	Сўнги нафасгача халқ билан.....	81
Райхонга қўмилган шу баҳор фасли.....	49	Хотима.....	81
Тунда қушлар йиғласа керак.....	52	Қалбларда кўшиқ бўлиб яшаётган шоир.....	85

БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК НАШР
ШЕРХОН ҚОРАЕВ
Муҳаммад Юсуф ва Файбулло Ас-Салом

Муҳаррир:	В. Аҳматов
Техник муҳаррир:	Р. Юлдашева
Мусахҳиҳ:	С. Аллаёрова
Дизайнер:	З. Махсатов

Босишга рухсат берилди: 10.04.2019 йил.
Бичими 60x841/16, "Baltika TAD" гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 5.6
Адади 100 нусха. бет. Буюртма №224. Эркин нархда.
Шартнома №9

15000

"Қашқадарё кўзгуси ОАВ" МЧЖ нашриёти.
Нашриёт лицензияси АИ №244.
180018. Қарши шаҳри. Мустақиллик шоҳ кўчаси , 22 уй.
Тел: +99875 227-73-25.

"Photo Express" ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди.
Манзил:Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси , 22 уй.



Шерхон Қораев - 1977-йил 5-октябрда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган.

Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олган. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг докторантурасида ўқимокда.

Шерхон Қораев "Фидокор", "Марказий Осиё маданияти" газеталари ҳамда Ўзбекистон жаҳон тиллари университети, Тошкент автомобиль-йуллар институти, Талимаржон саноат ва сув ҳужалиги коллежларида мухбир, бўлим мудири, масъул котиб, бош муҳаррир уринбосари, катта ўқитувчи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Айни вақтда Қашқадарё вилоят Нишон тумани "Нишон тонги" газетасининг бош муҳарриридир. Шунингдек, Халқ депутатлари Нишон туман Кенгаши депутати ҳамдир.

Шерхон Қораевнинг турли йилларда "Мустақиллик моҳияти", "Бир қултум ишқ", "Авлиёлар авлиёси", "Дунёни маърифат қутқаради", "Навоий ўқиган китоблар" номли ўттизга яқин шеърӣ, илмӣ – оммабол, бадий-публицистик рисоалари нашр этилган.



9 789943 544208